

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ҳимояга рухсат этилди
кафедра мудири**

«_____» _____ **2016 й.**

**МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ
(АТ “АЛОҚАБАНК” МИСОЛИДА)**

мавзусида

БИТИРУВ ИШИ

Битирувчи _____ Сайпиллаев Х.Р.
имзо ф.и.ш

Раҳбар _____ Иминов О.К..
имзо ф.и.ш

Такризчи _____ Мирзаева Н.С.
имзо ф.и.ш

Маслаҳатчи _____ Қурбонов А.С.
имзо ф.и.ш

ҲФХ ва Э бўйича _____ Абдуллаева С.М.
маслаҳатчи имзо ф.и.ш

ТОШКЕНТ - 2016

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

“АКТ соҳасида иқтисодиёт ва менежмент” факультети
“АКТ соҳасида иқтисодиёт” кафедраси
5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

ТАСДИҚЛАЙМАН

Кафедра мудири _____

2016 й « _____ » _____

Талаба Сайпиллаев Хожиакбар Рустамжоновичнинг

“Миллий тўлов тизимида ахборот технологияларининг ўрни ва аҳамияти”
мавзусидаги битирув ишига

ТОПШИРИҚ

- 1. Мавзу университетнинг 2015 йил «14» декабрь 1322-19-сонли буйруқ билан тасдиқланган.**
- 2. Ишни ҳимояга топшириш муддати:** 31 май 2016 йил
- 3. Ишга оид дастлабки маълумотлар:** Ўзбекистон Республикаси Президенти буйруқ ва фармойишлари, статистик маълумотлар, илмий адабиётлар ва услубий кўрсатмалар, интернет сайтлари
- 4. Ҳисоблаш–тушунтириш ёзмалар мазмуни:** миллий тўлов тизимининг назарий ва ҳуқуқий асослари, миллий тўлов тизими ва ахборот технологияларнинг иқтисодиётда тутган ўрни, миллий тўлов тизимининг ҳозирги кундаги таҳлили ва ахборот технологияларни жорий қилиш ҳолати, миллий тўлов тизими ва ахборот технологиялари ривожлантириш истиқболлари, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.
- 5. График материаллар рўйхати:** Ўзбекистон Республикаси тўлов тизимининг ривожланишосқичларига тегишли сана ва маълумотлар, 2016-йил 1 январь ҳолатига муомалага чиқарилган банк пластик карточкалари, терминаллар, банкромат ва инфокиосклар тўғрисида маълумот, банк телекоммуникация тармоғи (БТТ)нинг ривожланиши таҳлили, Еврохудуд давлатлари банкдарида фойдаланиладиган “ТАРГЕТ” ҳисоб-китоб тизими таҳлили.
- 6. Топшириқ берилган сана** 11.01.2016 йил.

Раҳбар: _____

Топшириқ олдим: _____

7. Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар:

Бўлим номи	Маслаҳатчи	Имзо, сана	
		Топшириқ берилди	Топшириқ олинди
1-БОБ	Иминов О.К.	11.01.2016	11.01.2016
2-БОБ	Иминов О.К.	20.02.2016	20.02.2016
3-БОБ	Иминов О.К.	10.05.2016	10.05.2016
4-БОБ	Абдуллаева С.М.	20.05.2016	20.05.2016

8. Ишни бажариш графиги

Т/р	Иш бўлимлари номи	Бажариш муддати	Раҳбар (маслаҳатчи) имзоси
1.	Миллий тўлов тизими ва ахборот технологияларининг иқтисодиётда тутган ўрни	20.02.2016	
2.	Миллий тўлов тизимининг ҳозирги кундаги тахлили	10.05.2016	
3.	Миллий тўлов тизими ва ахборот технологияларининг ривожлантириш истиқболлари	25.05.2016	
4.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	25.05.2016	

Битирувчи: _____

2016 йил « ____ » _____

Раҳбар: _____

2016 йил « ____ » _____

Сайпиллаев Хожиакбар Рустамжоновичнинг “Миллий тўлов тизимида ахборот технологияларининг ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги битирув ишига

ХУЛОСА

Тижорат банклари кучли, ишончли ва юқори самарадорликка эга бўлган платформалар асосида ахборот технологиялари ютуқларини миллий тўлов тизимида дадиллик билан тадбиқ қилиб, улар асосида мукаммал дастурлар яратиб, ахборот тизимлари инфраструктураси ривожланмоқда. Бу ўз навбатида, мамлакатимиз банклари ўртасида соғлом рақобат муҳитини кучайтириш, миллий тўлов тизимини ривожлантириш, янги банк хизматларини жорий этишга йўналтирилган ишларни муттасил давом эттиришга даъват этмоқда.

Талаба Х.Сайпиллаев ўзининг битирув ишида миллий тўлов тизимида ахборот технологияларининг қўлланилишининг назарий ва амалий асосларини кўриб чиққан ва миллий тўлов тизимини янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсияларни келтирган.

Битирув иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, биринчи боб «Миллий тўлов тизими ва ахборот технологияларининг иқтисодиётда тутган ўрни» деб номланган. Ушбу қисмда тўлов тизими тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда миллий тўлов тизимини юртимизда жорий этилишининг маъмурий-ҳуқуқий асослари атрафлича ёритилган. Иккинчи бобда миллий тўлов тизимининг ҳозирги кундаги таҳлили берилган. Учинчи боб миллий тўлов тизими ва ахборот технологияларининг ривожлантириш истиқболларига бағишланган. Хулоса ва таклифлар қисмида битирув ишини ёзиш жараёнида шакллантирилган хулосалар ва ишлаб чиқилган таклифлар ўз аксини топган.

Битирув ишда тўлов тизими бўйича хориж тажрибаси кенгрок ўрганилганда ишнинг амалий аҳамияти ортган бўлар эди.

Умуман олганда, битирув иши ДАК талабларига тўлиқ жавоб беради, яхши баҳоланади ва унинг муаллифи Сайпиллаев Хожиакбар “бакалавр” даражасини олишга лойиқ деб ҳисоблайман.

**АТ “Алоқабанк”
Активлар ва пасивларни
бошқариш бошқармаси**

Қурбонов А.С.

бошлиғи

Сайпиллаев Хожиякбар Рустамжоновичнинг “Миллий тўлов тизимида ахборот технологияларининг ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги битирув ишига

ТАҚРИЗ

Мустақиллигимизнинг кейинги йилларида республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича олиб борилаётган ишлар барча банклар томонидан тизимли амалга оширилиши, электрон тўловлар ва электрон тижорат бўйича ахборот коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш банк мижозларига сифатли банк хизматларини кўрсатишни таъминлаш билан бирга, Ўзбекистон банк тизимининг муқаррар юксалишига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши шубҳасиз. Юқорида келтирилганларга асосан ушбу битирув иш мавзуси ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бирига бағишланган.

Талаба Х.Сайпиллаев ўзининг битирув ишида миллий тўлов тизимида ахборот технологияларининг қўлланилишининг назарий ва амалий асосларини кўриб чиққан ва миллий тўлов тизимини янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсияларни келтирган.

Битирув ишига кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, биринчи бобда «Миллий тўлов тизими ва ахборот технологияларининг иқтисодиётда тутган ўрни» деб номланган. Ушбу қисмда тўлов тизими тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда миллий тўлов тизимини юртимизда жорий этилишининг маъмурий-ҳуқуқий асослари атрафлича ёритилган. Иккинчи бобда миллий тўлов тизимининг ҳозирги кундаги таҳлили берилган. Учинчи боб миллий тўлов тизими ва ахборот технологияларининг ривожлантириш истиқболларига бағишланган. Хулоса ва таклифлар қисмида битирув ишини ёзиш жараёнида шакллантирилган хулосалар ва ишлаб чиқилган таклифлар ўз аксини топган.

Битирув ишда тўлов тизими бўйича хориж тажрибаси кенгрок ўрганилганда ишнинг амалий аҳамияти ортган бўлар эди.

Умуман олганда, битирув иши ДАК талабларига тўлиқ жавоб беради, яхши баҳоланади ва унинг муаллифи Сайпиллаев Хожиякбар “бакалавр” даражасини олишга лойиқ деб ҳисоблайман.

**АТ “Алоқабанк”
Пластик карточкалар
бошқармаси бошлиғи**

Н.С.Мирзаева

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Талаба Сайпиллаев Хожиакбар Рустамжоновичнинг “Миллий тўлов
тизимида ахборот технологияларининг ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги
битирув ишига

РАҲБАР МУЛОҲАЗАСИ

Кейинги йилларда банк тизимида инновацион ахборот технологияларининг кенг қўламда тадбиқ этилиши мамлакатимизда миллий тўлов тизимини тўлақонли шакллантиришга кенг имконият яратиб бормоқда. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ҳисоб-китобларни аниқ вақт режимида амалга оширувчи бу тизим мамлакатимиз молия бозори барқарорлигини таъминламоқда. Бундан ташқари у давлатимиз пул-кредит сиёсатини самарали юритиш, миллий ва халқаро тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, пул оқимларини бошқаришга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кенг қамровли иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тўлов тизими ҳар бир мамлакат иқтисодиётида муҳим рол ўйнайди. Тўлов тизимини механизм сифатида қараганимизда, унинг ҳаракатга келтирувчи элементи сифатида тўлов воситаси ёки тўлов курулларини кўришимиз мумкин.

Юртбошимизнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозимлиги алоҳида таъкидланган эди.

Автоматлаштирилган тўлов тизимларининг (АТТ) истеъмол (вазифавий) хусусиятларини кенгайтириш мамлакатимиз банк ишини ривожланишининг хусусиятлари билан боғлиқ. Агар банк хизматларининг у ёки бу турларига ўсиб боровчи сўровлари оммавий характерга эга бўлса, унда АТТ бозорида банк технологияларининг янги сифатлари пайдо бўлади.

Шунинг учун ҳам ушбу битирув иши мавзусини долзарб деб ҳисоблайман ҳамда унда кўрилаётган электрон тўлов тизими ва унда ахборот технологияларни ўрнини ўрганиш бўйича қилинган ишлар атрофлича ёритилган.

Битирув иши мантиқан тўғри тузилган. Битирув иши кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Битирув ишининг биринчи бобида миллий тўлов тизими тушунчаси ва унинг иқтисодий моҳияти, миллий тўлов тизмининг Ўзбекистонда ривожланиши ёритилган.

Битирув ишининг иккинчи бобида миллий тўлов тизимида ахборот технологияларининг жорий қилиш ҳолати ёритиб берилган.

Учинчи бобда эса хориж тажрибасидан тўлов тизимини қўлланилиши ва миллий тўлов тизими ахборот технологияларининг ривожлантириш истиқболлари келтирилган.

Битирув иш натижалари асосида миллий тўлов тизимида ахборот технологияларни ривожлантириш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган товарлар ва маҳаллий бозорларда сотилаётган бошқа маҳсулотларнинг тўлов терминаллари ўрнатилган савдо дўконларида мавжуд бўлишини таъминлаш бўйича чоратадбирларни кўриш; аҳолига хизмат кўрсатадиган барча турдаги транспорт воситаларида (метро, маҳаллий транспорт, шаҳарлараро, вилоятлараро маршрут, такси ва бошқалар) йўлқира ҳақларини банк пластик карталари ёки махсус электрон транспорт карталари орқали тўлашни жорий қилиш; чакана савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига ўрнатилган тўлов терминалларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида аҳоли томонидан «Ишонч телефонлари»дан кенг фойдаланишни тарғиб қилиш; банк карталари орқали банклараро амалга оширилган тўловларни белгиланган вақтда тегишли банк ҳисобварақларида акс эттирилишини Ягона умумреспублика процесснинг маркази ва тижорат банклари томонидан узлуксиз таъминлаш ва ҳ.к; камчилиги имло хатолари мавжуд.

Юқоридагилар асосида талаба Сайпиллаев Хожиакбар Рустамжоновичнинг “Миллий тўлов тизимида ахборот технологияларининг ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги битирув малакавий иши ДАК талабларига тўлиқ жавоб беради, яхши баҳоланади ва муаллиф “бакалавр” илмий даражасини олишга лойиқ деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон Республикаси
корпаратив илмий таълим
маркази директори профессори

Иминов О.К.

Ушбу битирув малакавий ишида миллий тўлов тизими моҳияти ва зарурлиги, миллий тўлов тизимини юртимизда жорий этилиши босқичлари ва маъмурий-ҳуқуқий асослари таҳлили бажарилди. Юртимизда миллий тўлов тизимининг ҳозирги кундаги таҳлили ва ахборот технологияларни жорий қилиш ҳолати ўрганиб чиқилди. Шунингдек миллий тўлов тизими ахборот технологияларининг ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилган.

В данной выпускной квалификационной работе проведён анализ сущности и необходимости национальной платежной системы, этапы развития национальной платежной системы и административно-правовая основа. Были изучены текущее состояние платежных систем в стране и стадия внедрения информационных технологий. А также рассмотрены перспективы информационных технологий в национальной платежной системе.

This final qualifying work is devoted to the essence and necessity of the national payment system, its stage of development the administrative and legal framework. The current landscape of national payment system of our country and the stage of introduction of information technologies are studied. And the prospects for information technologies development in the national payment system are given.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....5

1. МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ

1.1. Миллий тўлов тизимининг моҳияти ва зарурлиги.....8

1.2. Миллий тўлов тизимини юртимизда жорий этилишининг маъмурий-
ҳуқуқий асослари.....16

1.3. Ахборот технологияларининг миллий тўлов тизимидаги аҳамияти.....22

2. МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Миллий тўлов тизимининг ҳозирги кундаги таҳлили.....29

2.2. Миллий тўлов тизимида ахборот технологияларини жорий қилиш
ҳолати.....36

3. МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Хориж тажрибасидан тўлов тизимини қўлланилиши.....47

3.2. Миллий тўлов тизими ахборот технологияларини ривожлантириш истиқболлари

.....54

4. ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

4.1. Гиподинамия (Монотония) ва уларнинг инсон саломатлигига таъсири.....61

4.2. Фуқаролар ҳимояси масалалари фавқулотда вазиятларда аҳоли ва
худудларни ҳимоялаш давлат
тузуми.....64

4.3. Ҳозирги кунда экологик муҳитнинг бўзилиши.....72

ХУЛОСА.....74

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....77

КИРИШ

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида ҳам юқори натижаларга эришиши, жаҳон иқтисодий тизимида тўлақонли шериклик ўрнини эгаллай бориши, инсон фаолиятининг барча жабҳаларида замонавий ахборот технологияларидан юқори даражада фойдаланиш кўламлари қандай бўлишига ҳамда бу технологиялар ижтимоий меҳнат самарадорлигини оширишида қандай роль ўйнашига боғлиқ.

Иқтисодиётимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида республика-мизда фаолият юритаётган банкларнинг роли тобора ортиб бормоқда. Чунки хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳеч бири тўлов тизимини четлаб фаолият юрита олмайди, ўзаро ҳисоб-китобларни банк рдамисиз ўткази олмайди. Шу сабабли миллий тўлов тизимини янада мустаҳкамлаш, уларнинг эркинлигини ошириш йўлида ислохотларга ҳукумат миқёсида эътибор берилиб келинмоқда. Чунки миллий тўлов тизимида ўтказилиб борилаётган ислохотлар нафақат банкларнинг, балки бутун иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашга асос бўлади. Бу ҳақда республика-миз президенти И. Каримов шундай дейдилар: “Мамлакатимиз тижорат банклари ялпи капиталининг барқарор ўсиши банк активлари портфелини бошқариш соҳасида юритилаётган мутаносиб сиёсат натижасида банк тизимида банк назорати бўйича Базель Қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан уч баробар кўп бўлган капиталнинг етарлилик кўрсаткичини таъминлади”.¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010-йил 26-ноябрдаги ПҚ1438 сонли “2011-2015 йилларда республика банк тизимини янада ислох қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича чора тадбирлар тўғрисида”ги қарорнинг 2-иловасида “Тўлов тизими ва тўлов инфратузилмасини янада ривожлан-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлар. Т. Ўзбекистон. 2011-й. 31-б.

тириш”га бағишланган алоҳида бўлим келтирилган бўлиб, унга кўра тўлов тизимини такомиллаштириш бўйича қатор вазифалар бевариб берилган.

Таъкидланганидек, банк тизимида инновацион ахборот технологияларини изчил татбиқ этиш орқали жуда қисқа муддат ичида миллий тўлов тизими шакллантирилди. Айни пайтда барча тижорат банкларини ўз ичига олган пластик карточкалар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга ошириладиган Банклараро тўлов тизими фаолият кўрсатмоқда. Бу, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳамда миллий ва халқаро ҳисоб-китобларни аниқ вақтда амалга ошириш, пул-кредит сиёсатини самарали юритиш, пул оқимларини бошқаришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Мутахассислар қайд этганидек, банклар амалиётига замонавий технологияларнинг жорий этилиши янги алоқа воситалари — интернет ва мобиль телефондан фойдаланиш имкониятларини ҳам кенгайтди. Ҳозирги пайтда 57,5 мингдан ортиқ мижоз “Интернет-банкнинг”, салкам 363 минг мижоз “Мобиль-банкнинг” хизматидан фойдаланаётгани шундай дейишимизга асос бўлади.

Кейинги йилларда банк тизимида инновацион ахборот технологияларини кенг қўламда татбиқ этилиши мамлакатимизда миллий тўлов тизимини тўлақонли шакллантиришга кенг имконият яратиб бормоқда. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ҳисоб-китобларни аниқ вақт режимида амалга оширувчи бу тизим мамлакатимиз молия бозори барқарорлигини таъминламоқда. Бундан ташқари у давлатимиз пул-кредит сиёсатини самарали юритиш, миллий ва халқаро тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, пул оқимларини бошқаришга сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунга келиб, “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, миллий тўлов тизими негизида Марказий банкнинг ягона Банклараро электрон тўлов тизими, 26 та тижорат банкнинг ички тўлов тизимлари, шунингдек, банк пластик карталари бўйича барча тижорат банкларини қамраб олган “UZ-KART” банклараро чакана тўлов тизими

ҳамда аҳолидан уяли алоқа хизмати, коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш бўйича аниқ вақт режимида тўловларни амалга ошириш имконини берувчи Марказий банкнинг банклараро универсал неттинг ахборот тизими (МУНИС Клиринг тизими) фаолият юритмоқда.

Мазкур битирув малакавий ишимнинг мавзуси “Миллий тўлов тизимида ахборот технологияларини ўрни ва аҳамияти” деб номланиб, ишнинг асосий мақсади миллий тўлов тизимида ахборот технологияларни аҳамиятини ўрганиб чиқиш ҳамда тегишли тавсиялар беришдан иборатдир.

Мазкур мақсадни амалга ошириш учун битирув малакавий ишига асосан қуйидаги вазифалар қўйилган:

- миллий тўлов тизимини назарий жиҳатдан ёритиш;
- миллий тўлов тизимининг моҳияти ва зарурлиги, ҳамда юртимизда жорий этиш маъмурий-ҳуқуқий асосларига баҳо бериш;
- ахборот технологияларнинг миллий тўлов тизимидаги аҳамитини ўрганиш;
- миллий тўлов тизимида ахборот технологияларни жорий қилишнинг ҳозирги ҳолати таҳлилини амалга ошириш;
- миллий тўлов тизимида ахборот технологияларни ривожлантириш истиқболлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

1. МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ

1.1. Миллий тўлов тизимининг моҳияти ва зарурлиги

Бугунги кенг қамровли иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тўлов тизими ҳар бир мамлакат иқтисодиётида муҳим рол ўйнайди. Тўлов тизимини механизм сифатида қараганимизда, унинг ҳаракатга келтирувчи элементи сифатида тўлов воситаси ёки тўлов қуролларини қўришимиз мумкин.

Биринчидан, тўлов тизими иқтисодиётнинг молиявий инфраструктурасида ҳаётий зарур элемент бўлиб ҳисобланади.

Иккинчидан, тўлов тизими иқтисодиётни пул-кредит сиёсати орқали самарали бошқаришни таъминловчи зарурий каналлардан бири бўлиб саналади.

Учинчидан, тўлов тизими иқтисодиёт ҳар бир соҳанинг самарадорлигини оширишда маблағларни ўз вақтида ўтказиб бериш вазифасини амалга оширувчи бўғин бўлиб ҳисобланади.

В.Г.Соловёвнинг таъкидлашича: «Тўлов тизими-бу ҳисоб - китобларни амалга оширишни таъминловчи қоида ва маблағлар комплекси²».


Тўлов тизимини механизм сифатида қараганимизда, унинг ҳаракатга келтирувчи элементи сифатида тўлов воситасини ёки тўлов қуролларини қўришимиз мумкин. Тўловни ўтказишни бошлаш айнан, тўлов воситаларини танлашдан бошланади. Тўлов воситаларига кредит инструментлари сифатида тўлов талабномаси, тўлов топшириқномаси, инкассо топшириқномаси, аккредитив очиш учун ариза, дебет инструментлари сифатида эса чекларни киритиш мумкин. Ҳозирги кунда магнит, пластик карточкалар ҳам тўлов воситалари сифатида кенг ишлатилмоқда.

² Центральный банк России. Анализ и статистика. Выпуск №20. 2010 г. 35-б.

Тўлов тизимини 2 турга бўлинади (1.1.1-расм):

- Халқаро тўлов тизимлари
- Миллий тўлов тизимлари.

Халқаро тўлов тизимларига, CHIPS, CHAPS, ZEN-CHEKIO ва бошқа тизимлар кирази. Миллий тўлов тизимига электрон тўлов тизими, Банк-мижоз тўлов тизими, тижорат банкларининг тўлов тизимлари, чакана тўлов тизимларини киритиш мумкин. Тўлов тизими турларини қуйидаги чизма орқали кўриш мумкин.



1.1.1-расм. Тўлов тизими турлари³

Тўлов тизимининг бош мақсади - иқтисодий фаолиятни ташкил этиш натижасида пайдо бўлган мажбуриятлар юзасидан тўловларни тўлиқ, тез ўтказиш ва хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Жисмоний шахслар тўлов тизимини бошқариб турувчи Марказий банк билан бевосита алоқада бўлмасаларда, улар тўлов тизимидан фойдаланадилар.

³ К.Наврозова, О.Ортиқов. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Т. Иқтисод-молия. 2014–й. 9-б.

Тўлов тизимидан фойдаланиш билвосита бўлади, яъни юридик ва жисмоний шахслар ўзларига хизмат кўрсатувчи банкка ўз ҳисоб варақаларидаги пул маблағларини бошқа банкка ўтказиб бериш бўйича топшириқ берадилар. Бу топшириқни бажариш учун тижорат банклари тўлов тизимига боғланади. Агар ушбу фойдаланувчилари бўлмаганда эди, тижорат банкларининг ўзи тўлов тизимининг тўлақонли фойдаланувчилари бўлиши мумкин эмас эди. Шу билан биргаликда ҳукумат ҳамда турли молиявий институтлар ҳам тўлов тизимидан фойдаланадилар. Бундай фойдаланиш ҳам тижорат банклари орқали бўлади. Чунки уларнинг ҳисобварақаларини тижорат банклари юритадилар.

Шундан келиб чиқиб, биз тўлов тизимидан фойдаланувчилар ва иштирокчиларни қуйидагича ажратамиз:

- Ахборотлаш Бош Маркази ва Марказий Банкнинг ҳисоб-китоб Маркази - банклараро тўлов тизимининг иштирокчилари ҳисобланади.

- Банклараро тўлов тизимининг фойдаланувчилари Марказий Банкнинг Ҳисоб-китоб Маркази (МБ ҲКМ)да вакиллик ҳисобварағига эга бўлган банклар ва молиявий институтлар ҳисобланади.

Демак, ҳозирги кунда республикамиз тўлов тизимининг асосий ва бевосита фойдаланувчилари - тижорат банкларидир.

Тўлов тизими олдида қўйилган бир қатор талаблар бўлиб, улар қуйидагилар:

- биринчидан, тўловчи ва пул олувчиларнинг ҳуқуқлари аниқ белгиланган бўлиши керак;


- иккинчидан, пул маблағларининг ўтказилиши ҳуқуқий томондан белгиланган бўлиши лозим, яъни қонун билан мустаҳкамланган тартиблар амалиётга тўла татбиқ этилиши лозим;

- учинчидан, кўпчилик томонидан қабул қилинган бўлиши керак;

- тўртинчидан, кам харажатли бўлиши, таннарх ҳисобга олиниши лозим;

- бешинчидан, йўқотишлар ва конунбузарликларнинг олдини олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Агар юқоридаги санаб чиқилган талабларга жавоб берса, бундай тўлов тизими муваффақиятли фаолият кўрсатиши мумкин.



1.1.2-расм. Тўлов оборотида нақд пулнинг ҳаракати⁴

Пул оборотидан ташқари тўлов обороти, деган тушунча ҳам мавжуд. Тўлов обороти, пул оборотига нисбатан чекланган, яъни тўлов обороти пул оборотининг бир қисмини ташкил этади. Тўлов обороти пуллик муносабатларда пул формаларидан фойдаланиш хусусиятлари ва тўлов усулига кўра иккига бўлинади:

1. Нақд пуллик тўлов обороти.
2. Нақд пулсиз тўлов обороти.

Нақд пул доимо нақдсиз пулга, нақдсиз пул эса нақд пулга айланиб туради. Пулнинг бундай ҳаракатини 1.1.2-расмда кўрсатилган:

1. Ҳар бир корхона ўз ишчи – хизматчиларига иш ҳақи ва шунга тегишли тўловларнинг маълум қисмини тўлаш учун банкдан нақд пул

⁴ Абдуллаев Ё. Каралиев Т. Банк иши. – Т: “Иқтисод - Молия”. 2010-й. 89-б.

олади. Банкдаги ҳисобварақдаги пул нақд пулга айланади.

2. Корхона ва ташкилотлар бу пулларни иш ҳақи ва бошқа тўловлар кўринишида аҳолига тарқатади. Шу билан бирга нобанк кредит ташкилотлари бўлган уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар тижорат банкларидаги ўзларининг ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳисобидан аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига нақд пулда кредит берадилар.

3.-4.-5. Иш ҳақи, пенсия, стипендия, мукофот ва бошқа тўловларни олган аҳолининг турли қатламлари бу пулни ўз эҳтиёжларини қондириш учун бозорда, савдо, маиший хизмат кўрсатиш, маданият ташкилотларида сарфлайдилар, турли тўловлар - газ, электр энергияси, телефон, солиқлар, жарималар ва ҳоказо тўловларни тўлайдилар. Деҳқонлар, хунармандлар ҳам ўзлари меҳнат қилиб топган пулларни ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида сарфлайдилар.

6. Аҳолининг турли қатламларидан келиб тушган нақд пуллар дўкон ва нақд пул билан ишлайдиган бошқа ташкилотлар, жумладан, нобанк кредит ташкилотлари томонидан банкка топширилиши лозим. Чунки ҳар бир корхона ва ташкилотга ўз оборот кассасида нақд пулни ушлаб туриш учун лимит ўрнатилади. Ушбу лимитдан ортиқча қисми албатта банкка топширилиши шарт қилиб белгиланган. Бу ҳолда ҳам биз нақд пулнинг нақдсиз пулга айланганини кўрамиз, яъни банк кассасига топширилган нақд пуллар нақд пулни топширган корхона ёки ташкилотнинг ҳисобварағига ўтказиб қўйилади.

Иқтисодиётда бўладиган пул айланишининг 80 -90 фоизини нақдсиз пул айланиши ташкил этади. Нақдсиз пул айланиши нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари асосида олиб борилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, деганда турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг товар айирбошлаш, хизмат кўрсатиш ва товарсиз операциялар бўйича бир бирига бўлган талаб ва мажбуриятларни нақд пул ишлатмасдан пул маблағларини бир ҳисобварағдан иккинчи

ҳисобварағга ўтказиш орқали амалга оширилиши тушунилади. Ҳозирги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни олиб боришнинг қуйидаги тамойиллари мавжуд:

Биринчи тамойили, мулкчилик шаклидан қатъий назар, хўжалик юритувчи субъектлар ўз маблағларини банкдаги ҳисобварақларида сақлашлари ва барча операцияларни банк орқали ўтказишлари лозимлигини билдиради.

Иккинчи тамойили, шундан иборатки, мижозларнинг ҳисоб-варақларидан пул маблағларини кўчириш, уларнинг топшириғи, ёки розилигига асосан ҳисобварақдаги маблағлар чегарасида бажарилади.

Учинчи тамойили, шундан иборатки, маблағлар тўловчининг ҳисоб-варағидан ўчирилгандан сўнг олувчининг ҳисобварағига ўтказилади. Тижорат банкларининг ҳисоб чеклари бўйича пул ўтказиш бундан мустасно.


Тўртинчи тамойили, ҳисоб-китоблар бўйича хўжалик юритувчи субъектлар орасидаги ўзаро эътирозлар, белгиланган тартибда банк иштирокисиз кўриб чиқилади. Банклар ўз вақтида тўланмаган ҳужжатлар бўйича пеняларни ҳисоблаш ва ундиришга жавобгар эмас.

Бешинчи тамойили, ҳисоб-китоб шакллари танлаш билан боғлиқ. Мулкчилик шакллариининг хилма-хиллиги ҳамда товар пул муносабатлари ривожланиши шароитида хўжалик субъектларининг фаолияти нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этиш хўжалик идоралари томонидан ҳисоб-китоб шакллари эркин танлаш тамойилидан келиб чиқади ва мустаҳкамланади. Хўжалик органларининг шартномавий муносабатларига банк аралашмайди. Бу тамойил ҳисоб-китоб иштирокчиларининг ўзаро муносабатларининг ижобий натижалари учун моддий жавобгарлигини оширишга, ҳисоб-китоб ва шартномавий муносабатларни ташкил қилишда, иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Олтинчи тамойили, тўловнинг муддатлилигидир. Хўжалик юритувчи субъектлар тўловнинг қандай муддатда келиб тушиши тўғрисидаги ахборотга эга бўлган ҳолда маблағларининг айланишини рационал ташкил

қилиши, қарз маблағларига бўлган заруратни ҳисоблаб кўриши, шу билан бирга ўз балансининг ликвидлигини бошқариб бориши мумкин бўлади. Маҳсулот сотувчи ва олувчи томонлар келишувига кўра тўловлар муддатли, муддатдан олдин ҳамда муддати кечиктирилган бўлиши мумкин.

Тўлов топшириқномаси бу - тўловчи корхонанинг унинг банкдаги депозит ҳисобварағидан пул маблағларининг маълум бир суммасини бошқа мижознинг ҳисобварағига ўтказиш ҳақида ўзига хизмат кўрсатувчи банкка берган топшириғидир.



1.1.3-расм. Тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китобларда ҳужжатларнинг айланиши чизмаси⁵

Юқорида келтирилган чизмага қуйидақгича тавсиф берамиз (1.1.3-расм):

1. Энг аввало мол жўнатувчи ва мол олувчи корхоналар ўртасида хўжалик шартномаси тузилади.
2. Шартномага асосан мол жўнатувчи корхона мол олувчи корхонага маҳсулот жўнатади.
3. Мол олувчи корхона олган маҳсулотга пул ўтказиш учун тўлов топшириғини расмийлаштириб ўзига хизмат кўрсатувчи банкка топширади.

⁵ Лаврушин О.И. Банковское дело. Экспресс – курс. –М.:Кнорс. 2012й. 17-б.

4. Банк ходими томонидан тўлов топшириғи асосида мол олувчи корхона ҳисобварағидан пул чегирилади.

5. Ҳисоб маркази орқали электрон тўлов мол сотувчи корхона банкига жўнатилади.

6. Келиб тушган электрон тўлов мол сотувчи корхона банкида мол сотувчи корхона ҳисобварағига ўтказилади.

7. Электрон тўлов топшириғининг бир нусхаси тўланган ҳужжатлар сифатида мол сотувчи корхонага берилади.

Тўлов талабномаси бу маҳсулот етказиб берувчи ва маблағ олувчиларнинг белгиланган суммани тўловчи банк орқали тўлаши тўғрисидаги талабномани ўз ичига олган ҳисоб-китоб ҳужжатиدير.

Аккредитив - мижознинг топшириғига кўра шартнома бўйича унинг контрагенти фойдасига берилаётган банкнинг шартли пул мажбуриятидир. Унга кўра аккредитив очган банк маҳсулот етказиб берувчига тўловни бажариши ёки бошқа банклар томондан аккредитивда кўзда тутилган ҳужжатлар тақдим қилинганда ва аккредитивнинг бошқа шартлари бажарилганда уларга бу тўловларни бажариш учун ваколат бериши мумкин.

Инкассо топшириқномаси – ушбу топшириқнома берган банк мижозининг банк-эмитентга тўловчининг ҳисобварағидан сўзсиз тартибда маблағларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги талабдир.

Пластик карточка - бу шахсий тўлов воситаси бўлиб, уни карточкадан фойдаланувчи шахс маҳсулот ва хизматлар учун нақд пулсиз тўловни амалга ошириши учун тақдим этади, шунингдек, банклар ва банкоматлардан нақд маблағларни олиш учун ишлатилади.

Бизнинг мамлакатимизда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини Марказий банк белгилайди ва ушбу тартибнинг бажарилиши бойича назорат олиб боради. Амалиётда бундай тартибнинг жорий этилиши бутун республика миқёсида ҳисоб-китобларнинг узлуксизлигини таъминлаш имкониятини яратади.

1.2. Миллий тўлов тизимини юртимизда жорий этилишининг маъмурий ҳуқуқий асоси

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгунга қадар тўлов тизими асосан қоғоз кўринишидаги почта ҳисоб-китобларни амалга ошириб берадиган тизим эди. Мавжуд тизим талабга жавоб бермай қолгани боис, Республика Марказий банки янги электрон тўловлар концепциясини ишлаб чиқди. Ушбу концепцияга биноан электрон ҳужжатлар кўринишида ишлаб чиқилган тўлов тизими талаб ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилиши лозим эди ва бу вазифа коўзлангандек бажарилди.

Миллий тўлов тизимини шакллантиришнинг биринчи босқичи 1991-1994 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда тўлов тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида ижобий ишлар амалга оширилади.

Хусусан, 1991-1994 йилларда Марказий банкнинг ахборотлаштириш Марказида банклараро ҳисоб-китобларда электрон почта усулини яратиш устида ишланди. Шунингдек, банк операцион иш кунини компьютер воситасида бажаришнинг амалий дастурини яратиш ва уларни банкларда татбиқ этиш бўйича иш олиб борилди. 1993-йилда Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банкда ва унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари ташкил этилди (1.2.1-жадвал).

Иккинчи босқичда ҳудудлараро тўловларнинг ўтиши 15-20 дақиқани, ҳудуд ичидаги тўловларнинг ўтиши 3-5 дақиқани ташкил қилишига эришилди. 1996-йилда ҳисоб-китоблар республика ичида 1 кунда, вилоят ичида 1 соатда яқунланган эди.

Ўзбекистон Республикаси тўлов тизимининг ривожланиш босқичларига тегишли сана ва маълумотлар⁶

Сана, йиллар		Тўлов тизимида рўй берган ўзгаришлар
1- босқич	1991-1994 йиллар	Ўзбекистон Республикасининг почта-телеграфга асосланган тўлов тизими амал қилган
	1992-йилда	Клиринг маркази ташкил қилинди
	1993-йилда	Клиринг маркази тугатилди
2-босқич	1994-1996 йиллар	Ўзбекистон Республикасининг “Электрон почта” тизими ташкил этилди ва амалиётга татбиқ этилди.
3-босқич	1998-2002 йиллар	Ўзбекистон Республикасининг “Электрон почта” тизими такомиллаштирилиб, “Электрон тўлов тизими”га айлантирилди
4-босқич	2002-2003 йиллар	Ягона вакиллик ҳисобварағи орқали ҳисоб-китоб тизими жорий этилди ва тижорат банклари босқичма-босқич, дастлаб бир неча филиаллар, сўнг бутун бунк тизимига ўтди.
	2003-2004 йиллар	Ягона балансга ўтказиш ишлари амалга оширилди.
	2005-2008 йиллар	Банк тизимининг ахборот технологияларини 2005-2008 йилларда ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди
	2008-2010 йиллар	2010-йилгача ахборот технологиялари ва электрон ҳужжат айланишини жорий қилиш. Интернет тармоғида ахборот ресурсларни шакллантириш ва уларни янгилаб бориш чора – тадбирлари режаси ишлаб чиқилди.
5-босқич	2011-2015 йиллар	Ўзбекистон Республикасининг тўлов тизимини такомиллаштириш

1998-йилдан бошлаб 2002 –йилгача миллий тўлов тизимининг шакллантириш ва такомиллаштиришнинг учинчи босқичи амалга оширилди. Барча тижорат банклари ва уларнинг филиаллари Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Ҳисоб-китоб маркази ва ҳудудий Ҳисоб-китоб марказларида ўзларининг вакиллик ҳисобварақларини очиб, банклараро ва филиаллараро ҳисоб- китобларни айнан ушбу тузилмалар орқали амалга оширдилар. Маказий банкда жами 800 дан ортиқ вакиллик ҳисобварақлари очилган эди.

Тўртинчи босқичда тўлов тизимини такомиллаштириш ва бошқарув учун ахборот тизимини яратиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Тўловларни реал вақтда ўтишини таъминлаш ва тижорат банкларига ягона вакиллик ҳисобварағи орқали хизмат кўрсатиш ишга туширилди.

Натижада қуйидагиларга эришилди:

⁶ http://cbu.uz/uzc/section/payment_system/history_payment_systems

- кунлик тўловларни ўтказиш учун банд бўлган маблағларнинг бир қисми бўшашига, шу билан бирга бўшаган маблағларни тегишли активларга жойлаштириш имкони яратилди;

- банк филиалларида бутун кун давомида пайдо бўладиган таваккалчиликларни кузатиб, уни ўз вақтида бартараф этиш мумкин бўлди;

- банкнинг юқоридан пастга, пастдан юқорига бўлган ҳар бир жараёни тизим орқали кузатиш мумкин бўлди;

- банк филиалларининг қай бири заиф, қай бири мустаҳкамлигини таҳлил қилиш ва тез, оператив равишда чоралар кўриш имкони яратилди;

- банкнинг ягона кундалик баланси унинг ликвидлиги, таваккалчиликлари, мажбурияти, капитали қандай даражада эканлигини аниқ кўриш ва таҳлил қилиш имконияти яратилди.

Бешинчи босқич даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010-йил 26-ноябрдаги ПҚ1438-сонли «2011-2015-йилларда республика банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Тўлов тизимининг иқтисодиётда тутган ўрни Марказий банк фаолияти билан чамбарчас боғлиқ, чунки Марказий банкнинг асосий мақсади мамлакатда пул-кредит ва молиявий барқарорликни таъминлашдан иборат. Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғриси”даги қонунда Марказий банкнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;

- банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, валюта биржаси ва кредит бюрolari фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банклар,

микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, валюта биржаси ва кредит бюроларини назорат қилиш, қимматли қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялаш;

- Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта резервларини, келишувга биноан ҳукумат резервларини қўшган ҳолда, сақлаш ва тасарруф этиш;

- давлат бюджетининг касса ижросини Молия вазирлиги билан биргаликда ташкил этишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли ва “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли Қарорларига асосан, молия банк фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, хусусан умум қабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқ банк фаолиятини ташкил этишнинг янада юқори даражага чиқишини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Жумладан, юқоридаги Қарорлар талабларига асосан, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларига (Базель III стандартлари) мувофиқ, тижорат банкларининг капитали монандлигига нисбатан қўйилган талабларни ошириш белгиланган.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Марказий банк томонидан Жаҳон банки ва Ҳалқаро валюта жамғармасининг халқаро экспертлари билан биргаликда республика банк назоратига оид меъёрий ҳужжатларни халқаро стандартлар, шу жумладан банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсиялари асосида такомиллаштирилган.

Ушбу лойиҳа доирасида халқаро молия институтлари экспертлари томонидан республика банк назоратини такомиллаштириш ва халқаро Базель

қўмитасининг янги тавсияларини жорий қилиш бўйича берилган тавсияларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 6 июлда 2693-сон билан давлат рўйхатига олинган.

Марказий банкнинг ушбу Низоми Базель қўмитасининг янги тавсияларига босқичма-босқич ўтишни назарда тутди.

Хусусан, банкнинг I даражали капитали I даражали асосий капитал ва I даражали қўшимча капитални ўз ичига олади. I даражали асосий капитали регулятив капиталнинг 60 фоизидан кам бўлмаслиги белгиланди ҳамда I даражали капитал регулятив капиталнинг 75 фоизини ёки ундан кўпини ташкил этиши кераклиги белгиланган бўлиб, мазкур талаб 2015 йилнинг 1 сентябридан бошлаб кучга киритилиши белгилаб берилган.

Шу билан бирга банк I даражали асосий капитали таркибида тўлиқ тўланган ва муомалага киритилган оддий акциялар, тақсимланмаган фойда ва девальвация захираси киритилганлиги инобатга олинса, банк капитали таркибида барқарор бўлган капиталга бўлган талабни янада кучайтиради.

Шунингдек, барқарор капитал базасини шакллантириш мақсадида, регулятив капиталдан қилинган чегирмалар I даражали капиталдан чегирилади.

Банк капиталини ошириш мақсадида ҳамда Базель 3 тавсияларига мувофиқ, ҳар бир банкда молиявий-иқтисодий инқирозлар юзага келганда, эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун жами активларнинг 3,0 фоизидан кам бўлмаган миқдорда консервация буфери ташкил қилинишини ҳисобга олган ҳолда банкнинг регулятив капиталини, I даражали капиталини ва I даражали асосий капиталини йилма-йил ошириб бориши кўзда тутилган. Жумладан,

2016 йил 1 январдан бошлаб регулятив капиталнинг монандлик коэффиценти (K1)нинг энг кичик даражаси 0,115 (11,5 фоиз) миқдорида белгиланган бўлиб, банклар таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги

активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги капитални консервация қилиш буферини ҳисобга олган ҳолда ушбу кўсаткич 2017 йилнинг январидан 0,125 (12,5 фоиз), 2018 йилнинг 1 январидан 0,135 (13,5 фоиз), ва 2019 йил 1 январдан бошлаб К1 нинг энг кичик даражасини 0,145 (14,5 фоиз) миқдорида таъминлашлари лозим.

Ушбу низомда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига (ИХТТ) кирувчи мамлакатлар иқтисодиётида бўлаётган кескин ўзгаришлар уларга республикамиз банклари томонидан жойлаштирилган маблағлар бўйича таваккалчилик даражасини ошишига олиб келмоқда.

Шу боис мазкур низомда ушбу мамлакатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан таҳлиллар асосида таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлар белгилаб олиниши кўзда тутилган.

Шунингдек, банк капиталини монандлигига қўйилган талабларни оширилиши билан:

- тижорат банклари ўз капиталини, хусусан устав капиталини оширишга ҳаракат қилишади;
- тижорат банклари олган йиллик фойдасини банк капиталлашувини оширишга йўналтиради ва бунинг натижасида тижорат банкларида кредитлар бериш учун барқарор ресурслар шаклланади.

Банк учун кўпроқ капитал талаб этадиган юқори рискка тортилган активлар салмоғини (муддати ўтган, суд жараёнидаги кредитларни ундириш ва банк балансига олинган мол-мулклар) камайтириш чоралари янада кучайтирилади ва ушбу қайтган маблағларни янги кредитларга йўналтириш имконияти туғилади ва пировардида тижорат банкларининг омонатчилари ва кредиторларининг манфаатларини янада ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Ушбу Низом кучга кириши муносабати билан Марказий банкнинг “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низоми (рўйхат рақами 949, 25.07.2000 й.) ва унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қарори

ўрнатилган тартибда Адлия вазирлигидан 2015 йил 6 июлда 949-8-сонли билан рўйхатдан ўтказилган.

1.3. Ахборот технологияларнинг миллий тўлов тизимидаги аҳамияти

Юртбошимизнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозимлиги алоҳида таъкидланган эди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори соҳага инновацион янгиликларни фаол жорий этишда муҳим дастур бўлмоқда.

Мужассамлашган *банк автомалаштирилган ахборот тизимлари (БААТ)* маблағ киритиш ва кредит беришнинг берилган шартлари бўйича назорат қилинадиган маблағларни ўзлаштириш, қайтарилиши ва мувафиқлаштирилишини жадаллаштириш воситаси бўлган ягона дастурий технологик мажмуадан иборат бўлади. Мужассамлашган БААТ банк вазифалари алоқаларининг бутун мураккаблигини ўзида акс эттирилган ҳолда мажмуавий қамраб олади.

БААТ ни техник таъминлаш жараёнида банк технологиялари аппарат воситалари архитектураси замонавий талаблар асосида қурилиш керак. Уларга: алоқанинг турли-туман телекоммуникацион воситалари, кўп машинали мажмуалар, «мижоз-сервер»нинг архитектурасидан

фойдаланиш, маҳаллий, минтақавий ва глобал тезкор тармоқларни қўллаш киради.

«Мижоз-сервер» архитектураси банкларнинг ахборот технологияларини қурилишдаги техник ечимларга замонавий ёндошишнинг асоси бўлади.

Бу техник таъминланишни ташкил қилиш ва ахборотларни ишлаб чиқишни мижоз (ишчи станция) ва сервер деб номланган иккита таркибий қисм ўртасида тақсимланишини кўзда тутди. Иккала қисм бирлаштирилган компьютерларда бажарилади. Бунда мижоз-серверга сўровлар юборилади, сервер эса уларга хизмат кўрсатади. Бундай технология таркиблаштирилган сўровларнинг махсус тилига эга касбий МББТда амалга оширилади.

«Мижоз-сервер» технологиясининг амалга оширишини вариантларидан бири унинг уч босқичи архитектурасидир. Тармоқда камида учта компьютер: мижоз қисми (ишчи станция), қўлланишлар сервери ва маълумотлар базасининг сервери мавжуд бўлиши керак. Мижоз қисмида фойдаланувчи билан ўзаро ҳамкорлик (фойдаланиш интерфейси) ташкил қилинади. Қўлланишлар сервери мижоз қисми учун бизнес тадбирларини амалга оширади. Маълумотлар базасининг сервери мижоз ролини бажарувчи бизнес тадбирларга хизмат кўрсатади. Бундай архитектуранинг эгилувчанлиги мустақил ва дастурий ресурсларни алмашишидадир.

Кейинги йилларда банк фаолиятида маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш муоммоси кучаймоқда. У ўз ичига бир неча жиҳатларни олади. Биринчидан, бу фойдаланувчиларнинг ваколатларини эпчил, кўп босқичли ва ишончли тартибга солишишдир. Банк ахборотларининг қимматлилиги маълумотларга рухсатсиз киришдан ҳимоялашга, шу жумладан, жараёнларни, маълумотлар ҳолатини ўзгаришларини бошқаришни назоратига алоҳида талаблар қўяди. Иккинчидан, маълумотларнинг яхлитлиги ва бир-бириларига зид бўлмасликларининг қўллаб-қувватлаш воситаларининг мавжудлиги. Бундай воситалар киритилаётган

маълумотлар ўртасидаги алоқаларни ушлаб туриш ва назорат қилиш, ҳамда мувофиқлаштирилган маълумотларнинг қўллаб-қувватланишини таъминловчи операциялар (мавжуд) мажмуаси усулида киритишни назарда тутди. Учинчидан, тизимли, дастурли ва аппаратли тузилишларда маълумотларни архивлаштириш, тиклаш ва мониторингининг кўп вазифали тадбирларини мавжудлигидир.

Автоматлаштирилган тўлов тизимларининг (АТТ) истеъмол (вазифавий) хусусиятларини кенгайтириш мамлакатимиз банк ишини ривожланишининг хусусиялари билан боғлиқ. Агар банк хизматларининг у ёки бу турларига ўсиб боровчи сўровлари оммавий характерга эга бўлса, унда АТТ бозорида банк технологияларининг янги сифатлари пайдо бўлади.

Кейинги вақтда молиявий таҳлилнинг вазифалари ва бизнесни бошқаришнинг мақсадларига катта аҳамият берилмоқда. Молиявий хавф-хатарни назорат қилишда, ресурсларни бошқаришда, операцияларнинг фойдалилигини, янги банк хизмати (маҳсулот)нинг мижоз ва бўлинмалар даромадлилигини таҳлил қилишга имкон берувчи тизимлар ишлаб чиқарилган ва ишлаб чиқарилмоқда.

Банкнинг операция куни дастури-технологик мажмуа сифатида банк ҳисобининг кўп меҳнат талаб қилувчи операцияларини автоматлаштиради. Мижозларнинг шахсий счётлари бўйича операциялар тўлов ҳужжатлари бўйича амалга оширилади. Шахсий счётдан кўчирма эса ҳар бир бухгалтерия ёзувларини акс эттиради.

Филиаллар фаолиятининг ҳисоби бўйича мажмуа филиалнинг ҳисобхонаси ва бошқа бўлимлардаги иш жойларини автоматлаштиришга мўлжалланган. «Банк филиаллар» даражасида филиаллардан олинган ахборотларни билиш, ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш, барча филиаллар ўртасидаги ҳисоб-китоблар автоматлаштирилади. Филиаллар орасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғридан-тўғри ёки банкнинг марказий бўлими орқали ташкил қилиниши мумкин. Филиал доираларидаги мажмуа ўз ичига

валютали ва сўмни касса операцияларини олади, филиал бўйича балансни ички бухгалтерия ёзувларини ҳисобга олиш билан ҳисоблаб чиқади. Корреспондентлик муносабатлари бўйича ҳисоб-китобларни бажаради.



1.3.1-расм. Операцион кун моделининг таҳлили⁷

⁷ Алимов Р.Х., Хайитматов Ў.Т. Ахборот тизимлари. Т. 2013-й. 50-б.

Мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича АБТ нинг энг кенг тарқалган тизимчалари қуйидагилардир: миждозбанк, пластик карточкалар билан ишлаш операциялари.

«Мижоз-банк» дастурий-технологик маждмуаси «банк» ва «миждоз» модулларидан ташкил топган, улар банкдаги ва миждознинг иқтисодий объектларидаги коммуникацион ШКга ўрнатилади. Миждозга идорадан чиқмасдан туриб андозавий банк операцияларини ўтказиш имкониятлари берилади. Маждмуа одатда тўлов ҳужжатларини жўнатиш ва олиш, счётлар, буюртмалар қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар бўйича кўчирмаларни олиш бўйича ва маълумотномавий материални олиш учун ўзаро ҳамкорлик вазифасини бажаради (1.3.1-расм).


Оддий хизмат кўрсатишнинг ахборот технологияси қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

1. Корхона бухгалтери тўлов ҳужжатини тайёрлайди. Унда фирманинг ўз муҳри ва фирма раҳбарининг имзоси қўйилади.
2. Бу тўлов ҳужжатини фирмадан вакил банкка олиб келиб беради. Тўлов ҳужжати 4 нусхада олиб келиниши шарт.
3. Банк масъул ходими корхонанинг бухгалтерини қабул қилиб, ҳужжатларини кўздан кечиради. Тўлов ҳужжатида муҳр ва имзолар текширилади.
4. Банк масъул ходими ҳужжатда хатолар йўқлигига амин бўлса, унинг ҳисоб рақамидаги маблағи тўловни амалга оширишга етарли, қарзлари йўқ бўлса, тўлов ҳужжатларининг бир нусхасига банк штампи ва имзосини қўйиб, корхона бухгалтерига беради.
5. Қолган тўлов ҳужжатлари банкнинг бош бухгалтери томонидан текширилиб, имзоланади. Ҳужжат қабул қилинади.
6. Қабул қилинган ҳужжатлар банкнинг Back-office га берилади. У ерда ҳужжатлар автоматлаштирилган банк тизимига киритилади.

7. Пуллар ўтказилганидан сўнг, ўтган операциялар ҳақида корхонанинг ходими тикет ёки «Ҳисоб варағидан кўчирма»нинг бир нусхасини олиши мумкин. Иккинчи нусхаси банкда қолади.

8. Операциялар ўтказилгандан сўнг банкдаги ҳужжатлар банк архивига топширилади.

Банк тизимида мижозларга оддий хизмат кўрсатиш жараёнини кўриб чикдик. Энди «Банк-Мижоз» (R-Bank) тизимида мижозларга масофали электрон хизмат кўрсатиш жараёнини (1.3.2-расм) кўриб чиқамиз.



1.3.2-расм. R-bank тизимида масофавий электрон хизмат кўрсатиш жараёни⁸

⁸ Алимов Р.Х., Хайитматов Ў.Т. Ахборот тизимлари. Т. 2013-й. 50-б.

Корхона R-Bank тизимида, On-Line режимида ўз счётларининг ўзи бошқариши, турли хилдаги тўлов ҳужжатларини тайёрлаши, Миллий Банкдан ўз ҳисоб рақамини қолдиқлар ва пул айланишлари тўғрисида ахборот олиши, хохлаган даврга ўз ҳисоб рақамидан кўчирмаларни чоп

этиб олиши, ҳамда бошқа молиявий ҳисоботларни олиши мумкин бўлади. Бу эса мижоз ва банк учун бир қанча афзалликлар келтиради (1.3.2-расм). АТ ларини миллий тўлов тизимида қўллаш: банк хизматлари сифати-нинг ошишига, банк операцияларининг тез ва бехато бажарилишига, ҳуж-жатларни қайта ишлашга кетадиган ҳаракатларнинг қисқаришига ва вақтнинг тежалишига, иш самарадорлигининг ошишига олиб келади.

2. МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Миллий тўлов тизимининг ҳозирги кундаги таҳлили

2015 йилда миллий тўлов тизимида амалга оширилган тадбирлар Ўзбекистон Республикаси президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли ва 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2344-сонли Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги дастурий маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижросига қаратилди.

Ушбу вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини халқаро андоза ва меъёрлар, жумладан, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсиялари (Базель III) асосида такомиллаштириш;
- банкларнинг капиталлашув даражаси ва ликвидлигини янада ошириш, депозит базасини кенгайтириш ва диверсификациялаш, активлар, жумладан, кредит портфели сифатини янада яхшилаш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш;
- банкларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ролини янада кучайтириш, уларнинг инвестицион жараёнларидаги иштирокини кенгайтириб бориш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни янада фаоллаштириш;

- кўрсатилаётган банк хизматлари турларини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш, хусусан банк инфратузилмасини ривожлантириш, айниқса, кишлоқ жойларда ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш қўламларини янада кенгайтириш;

- мамлакатимиз тижорат банклари томонидан етакчи ҳақаро рейтинг агентликлари юқори рейтинг баҳоларининг олиниши ҳамда мунтазам равишда янгилаб борилишига эриши;

- молия-банк тизими фаолиятининг қонунчилик базасини халқаро андоза ва тамойиллар асосида янада такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Ўтган йили банк тизимини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва инвестициявий фаоллигини кенгайтириш таъминланди. Банк тизимининг жами капитали 2014 йилга нисбатан 23,3 фоиз кўпайиб, 7 триллион 800 миллиард сўмга етди. Сўнгги 5 йилда мазкур кўрсаткич 2,4 баробар ўсди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил қилди. Бу умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 марта, банк ликвидлиги эса энг юқори кўрсаткичлардан 2 марта кўпдир⁹.

Сўнгги 5 йил давомида тижорат банкларининг жами активлари 3,1 баробарга, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари умумий қиймати эса 3,7 баробарга кўпайди ва бу ҳолат банк тизимининг иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда ролининг тобора ошиб бораётганини кўрсатмоқда.


2015 йилда банк тизимида амалга оширилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар натижасида юқорида санаб ўтилган барча йўналишларда

⁹ Ўзбекистон Республикаси президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизнинг 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси

иждобий натижаларга эришилди. Жумладан, 2015 йил якуни бўйича банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 23,6 фоизни, шунингдек, ликвидлик даражаси 64,5 фоизни ташкил этди. Капитал етарлилик кўрсаткичи умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 марта, банк ликвидлиги эса 2 марта кўпдир.

2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада 26 та тижорат банки фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 7 таси хусусий ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади. Бугунги кунда республика ҳудудларида тижорат банкларининг 854 та филиали фаолият кўрсатмоқда.

Банк муассасаларини аҳоли зич жойлашган манзиллар ҳамда ишлаб чиқариш ҳудудларига яқинлаштириш мақсадида тижорат банкларнинг 4 295 та мини-банк ва махсус кассалари ташкил этилган бўлиб, шуларнинг 2 221 таси қишлоқ жойларидаги аҳоли ва фермер хўжалиқларига сифатли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.



2.1.1-расм. Муомалага чиқарилган пластик карталар сони (минг дона)¹⁰

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган банк пластик карточкалар сони республикада 16 317 мингтани ташкил қилди. 2015 йил давомида 2 868 минг дона пластик

¹⁰ Ўзбекистон банк тизими – изчил ислохотларнинг пойдевори. Бозор, пул ва кредит // 1/2016 й. 22-б.

аҳолига муомалага топширилди. Бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 20 фоизга кўп (2.1.1-расм). 1995 йилда Ўзбекистонда илк маротаба миллий валютада кредит ва дебет тўлов пластик карточкалари муомалага чиқарилди.

2004 йил 24 сентябрда 445-сон билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори доирасида Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилди. У савдо ташкилоти ёки хизматлар соҳасига ёхуд пластик карточка эгасига қайси банк орқали хизмат кўрсатилаётганидан қатъи назар, банк операцияларини барча савдо шохобчаларида ягона режимда олиб бориш имконини беради. Айни пайтда, Ягона умумреспублика процессинг маркази сўм пластик карточкаларини муомалага чиқарувчи 25 та тижорат банкни бирлаштиради. Марказда "UZKART" сўм пластик карточкалари бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банклараро тўлов тизими ташкил этилган.

Ўзбекистонда ҳозирда пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизими жуда кенг тарқалган.

Жойларда пластик карточкалар эгаларига кечаю кундуз хизмат кўрсатишга имкон берувчи ахборот-маълумот терминаллари тармоғи ишлаб турибди, терминаллар, банкоматлар ва инфокиоскларни таъмирлаш бўйича сервис хизматлари ташкил этилган.

2.1.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики энг кўп терминаллар Тошкент шаҳрида ўрнатилган, 2 ўринда эса Фарғона вилояти туради. Жами барча вилоятлар бўйича 2 345 та банкомат ва инфокиосклар банклар томонидан ўрнатилган.

2.1.1-жадвал

2016-йил 1 январь ҳолатига муомалага чиқарилган банк пластик карточкалари, терминаллар, банкомат ва инфокиосклар тўғрисида маълумот¹¹

¹¹ Cbu.uz – марказий банкнинг веб-сайти

Худудлар	Муома лага чиқарилган пластик карточкалар сони	Банклар томонидан ўрнатилган терминаллар сони	Банклар томонидан ўрнатилган банкومات ва инфокиосклар сони	2015 йил мобайнида терминаллар орқали амалга оширилган тўловлар суммаси (млн.сўм)
Қорақалпоғистон Республикаси	914 385	10 449	60	1 716 590
Андижон	1 136 833	12 316	155	2 059 882
Бухоро	994 957	12 347	98	2 135 334
Жиззах	493 057	7 244	39	859 537
Қашқадарё	1 89 962	13 014	76	2 286 482
Навоий	673 195	8 753	99	1 446 784
Наманган	1 046 584	10 295	124	1 792 992
Самарқанд	1 409 333	15 013	143	2 480 328
Сурхандарё	954 494	10 424	113	1 511 282
Сирдарё	433 624	5 519	39	566 749
Тошкент	1 055 701	16 005	88	3 238 994
Фарғона	1 555 067	16 569	200	2 629 745
Хоразм	731 542	8 811	76	1 371 477
Тошкент ш.	3 527 767	36301	1 035	7 197 966
Жами:	16 316 501	183 060	2 345	31 324 142

UZPAYNET компанияси Ўзбекистон бозорида 2005 йилдан бери фаолият юритиб келмоқда. Ушбу даврда компания 100 дан ортиқ турли хилдаги хизмат кўрсатувчи корхоналарни, шу жумладан, коммунал соҳасини ҳам ҳамкорликга жалб қилган. Хозирда Республикамизнинг барча

жабхаларида компаниянинг 25 000 дан ортиқ тўловларни қабул қилиш шаҳобчалари ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда. Бугунги кунда компания эришган натижаларда тўхталмай, кўрсатилаётган хизматлар қўламини янада ривожлантириш ва кенгайтиришга ҳам ҳаракат қилмоқда.

UZPAYNET компанияси Ўзбекистонда нафақат энг йирик ва кенг тарқалган дилерлик тармоғи, балки кўпчилик истеъмолчиларга маълум бўлмаган янги брендларни оммага таништириб ва уларни қўллаб-қувватлайдиган компания ҳамдир. Ҳар куни PAYNET шаҳобчаларида 2 млн дан ортиқ кишилар ўз тўловларини амалга оширадилар.

PAYNET агентлик тўлов тизими технологияси аниқ вақт режимида, сутканинг 24 соатида, ҳафтанинг 7 кунда ўз фаолиятини олиб боради. Аҳолига тўловларни қабул қилиш хизматини кўрсатиши учун, диллер турли хилдаги ускуна ва дастурларни танлаб олиш имкониятига эгадир. UZPAYNET билан ҳамкорлик жараёнида шаҳобча эгаси, савдо-сервис жойларида тўлов қабул қилиш харажатларини мақбуллаштиради ва минимум хужжат айланмасини олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сонли қарори билан республика “Электрон ҳукумат” тизимининг комплекс ахборот тизимлари таркибига Марказий банкнинг “Чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш клиринг тизимини яратиш ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг биллинг тизими билан интеграллаш” лойиҳаси ҳам киритилган бўлиб, мазкур Клиринг тизими амалиётга татбиқ этилди.

Ушбу тизимни яратишдан мақсад унга тижорат банклари филиаллари, кассалари ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси қошидаги Ягона умумреспублика Процессинг марказини улаган ҳолда, жисмоний шахсларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек коммунал хизматлар ва мобил алоқа операторлари учун тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш имкониятини яратишдан иборат. Шунингдек, мазкур тизим

мижозларга куну-тун банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш ва банк инфокиосклари орқали ишлаш имкониятини берди.

Клиринг тизими билан Давлат солиқ қўмитаси ахборот тизими, шунингдек, “Ўзбекэнерго” ДАК ҳамда “Ўзтрансгаз” АКнинг биллинг тизимлари интеграция қилинган ҳолда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда электр энергияси ва газ истеъмоли тўловларини реал вақт режимида амалга ошириш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, “Ўзкарт” банклараро чакана тўлов тизими фаолиятини тартибга солиш ва унинг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида, Марказий банк ҳузуридаги Ахборотлаштириш Бош марказида “Банклараро универсал неттинг ахборот тизими” дастурий мажмуаси ишга туширилиши муносабати билан “Ўзкарт” тизимида Ҳисоб-китобларни амалга оширувчи банк вазифалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Банклараро ҳисоб-китоб марказидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ҳисоб-китоблар марказига ўтказилади. Бунда ўзаро мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоблар тижорат банкларининг Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар марказида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга оширилиб, тизим харажатларини камайишига олиб келади ва тижорат банклари ўз маблағларидан самарали фойдаланишларига имкон беради.

Хулоса қилиб айтганда, чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш Клиринг тизими ПҚ-1989-сонли қарори билан белгиланган муддатларда ишга туширилган бўлиб, ҳозирги вақтда банк тизими томонидан ушбу ахборот тизимини такомиллаштириш ва жорий қилиш доирасини кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда.

2.2. Миллий тўлов тизимида ахборот технологияларни жорий қилиш ҳолати

Республика “Электрон ҳукумат” тизимининг ахборот тизимлари таркибига киритилган Марказий банкнинг чакана тўловларни реал вақт

режимда амалга ошириш Клиринг тизими аҳолининг нақд пулга бўлган эҳтиёжини камайтириш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ҳамда аҳолига коммунал ва бошқа хизматлар учун чакана тўловларни амалга ошириш бўйича қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида жорий этилган.

Мазкур тўлов тизимини яратиш жараёнида қуйидагилар амалга оширилди:

- чакана тўловлар ҳолатини кенг таҳлил қилиш натижасида мавжуд ечимларнинг афзаллик ва камчиликларини аниқлаш;

- клиринг тизимини яратиш ва жорий этиш заруриятини асослаш;

- клиринг тизими учун техник талаблар ва бошқа лойиҳавий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва “Электрон ҳукумат” тизими структураси билан келишиш;

- чакана тўловлар клиринг тизими қатнашчиларининг ахборот тизимлари ва биллинг тизимларига қўйиладиган талаблар ва дастурий интерфейсни ишлаб чиқиш;

- клиринг тизими инфраструктурасида ахборот муҳофазаси ва хавфсизликни таъминлаш;

- клиринг тизимининг дастурий таъминотини ва маълумотлар базаларини яратиш, сервер ва бошқа техникаларни ишга тушириш, қатнашчилар билан ўзаро шартномалар тузиш;

- аҳоли ва хўжалик субъектларига хизмат кўрсатувчи муассаса ва корхоналарнинг биллинг тизимини ўрганиш ва зарур тавсиялар ишлаб чиқиш;

- клиринг тизимини аҳоли ва хўжалик субъектларига хизмат кўрсатувчи муассаса ва корхоналарнинг биллинг тизимлари билан ўзаро боғлаш;

- клиринг тизимининг қатнашчилари ва фойдаланувчилари таркибини, қатнашчилар томонидан кўрсатиладиган интерактив хизматлар сонини

мунтазам равишда кўпайтириш мақсадида кенг тарғибот ишларини олиб бориш;

- клиринг тизимидан фойдаланиш билан боғлиқ Ҳукумат қарорларини ўз вақтида бажариш.


Мижозлардан олинган тўлов хужжатлар банк филиалларидан бош банкка узатилади. Бош банклар эса ўз навбатида хужжатларни Марказий банкнинг Тошкент шаҳридаги Ҳисоб-китоблар марказига жўнатади (2.2.1-расм).

Ҳозирги кунда клиринг тизими орқали банклар томонидан қуйидаги муассаса (корхоналар) хизматлари учун тўловлар қабул қилинмоқда ва ўтказилмоқда:

- Давлат солиқ қўмитаси;
- “Ўзбекэнерго” АЖ ва “Ўзтрансгаз” АК;
- коммунал хизмат корхоналар “Махсустрас” ДУК ва “Сувсоз” ДУК;
- мобил телефон операторлари ва интернет провайдерлари “Unitel” МЧЖ, “Rubicon Wireless Communication” ХК МЧЖ, “Ўзбектелеком” АЖ филиали “ЎзМобайл”;
- телевидение хизматларини кўрсатувчи “NetTelevision” МЧЖ.

2015 йил 1 январдан 25 ноябргача бўлган давр давомида клиринг тизими орқали ўтказилган тўловлар қиймати жами 487 млрд сўмдан зиёдни ташкил қилди. Муассаса (корхоналар) бўйича ўтказилган тўловлар қуйидагича:

Электрон тўлов ҳужжатларнинг ўтиш схемаси



2.2.1-расм. Электрон тўлов ҳужжатдарининг ўтиш схемаси¹²

- Давлат солиқ қўмитаси – 117 млрд 696 млн сўм;
- “Ўзбекэнерго” АЖ – 195 млрд 624 млн сўм ва “Ўзтрансгаз” АК – 171 млрд 198 млн сўм;
- “Махсустрас” ДУК – 2 млрд 376 млн сўм ва “Сувсоз” ДУК – 406 минг 185 сўм;
- “Unitel” МЧЖ – 458 млн 637 минг сўм, “Rubicon Wireless Communication” МЧЖ – 14 млн 605 минг сўм, “Ўзбектелеком” АЖ филиали “ЎзМобайл” – 1 млн 486 минг сўм;
- “NetTelevision” МЧЖ – 245 млн 297 минг сўм.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу тизимни такомиллаштириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги ПҚ-1325-сонли “Банк пластик

¹² Cbu.uz – марказий банкнинг веб-сайти

карталаридан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижроси юзасидан Марказий банк, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ва Ягона умумреспублика процессинг маркази (ЯУПМ) томонидан “Uzkart” банклараро тўлов тизими иштирокчилари бўлган тижорат банклари билан биргаликда “on-line” режимида ишлайдиган “Smart-Vista” EMV технологик платформаси жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори ижросини таъминлаш борасида ЯУПМ томонидан сервер ва коммуникация жиҳозлари, тизимий дастурий таъминотлар харид қилиниб, ўрнатилди ва ишга туширилди, сервер ва терминаллар учун амалий дастурлар яратилди.

Натижада тижорат банкларининг бўлимлари ва филиалларидан Бош банк маълумотларни қайта ишлаш марказига етказиладиган маълумотларни қайта ишлаш бўйича оралиқ бўғинларни чиқариб ташлаш ҳисобига тўловларнинг ўтказилишини тезлаштиришга эришилди.

Шу билан бирга, “On-Line” режимида ишловчи «Uzkart-EMV» миллий банклараро пластик карточкалар тўлов тизимини жорий этишни жадаллаштириш мақсадида тижорат банкларида тегишли дастурий-аппарат мажмуалари ишга туширилди ҳамда EMV технологиясига мослашган терминаллар жорий қилинди.

Бу ишлар натижасида, 2015 йил 1 декабрь ҳолатига республика бўйича барча тижорат банклари томонидан онлайн режимида ишлайдиган 8 005 936 та банк карталари муомалага чиқарилишига эришилди.

Банк телекоммуникация тармоғи (БТТ) Марказий банк, тижорат банклари ва иқтисодиётнинг бошқа секторлари муассасаларининг ёпиқ корпоратив тармоқлари мажмуаси шаклида яратилган бўлиб, бирламчи

оператор “Ўзбектелеком” АЖнинг телекоммуникация тизимларидан ва қисман, асосан заҳира тариқасида, бошқа операторларнинг каналларидан фойдаланишга асосланган.

БТТ республиканинг барча вилоят ва туманларини қамраб олган бўлиб, тармоқнинг боғлам жиҳозлари Тошкент шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят марказларининг АМТС ва АТСларида, шунингдек, барча туман АТСларида ўрнатилган.

БТТнинг асосий вазифалари банклараро электрон ўловларни ўтказиш учун ишончли ва хавфсиз транспорт инфраструктурасини ва ёпиқ виртуал корпоратив тармоқларни яратиш, банклараро электрон почта тизимининг узлуксиз фаолиятини таъминлаш ҳамда тармоқ абонентлари учун алоҳида каналларни ажратишдан иборат.

Банк технологияларини такомиллашиб бориши, янги ахборот-коммуникация технологияларини пайдо бўлиши, шунингдек, “Ўзбектелеком” АЖнинг транспорт инфраструктурасини ривожланишини ҳисобга олган ҳолда БТТни мунтазам равишда ривожлантириш ва такомиллаштириш ишлари олиб борилади. Жумладан, БТТ ишга туширилган вақтдан (1995-1997 йиллар) бери қуйидагилар амалга оширилди:

- 2002-2003 йилларда рақамли БТТни барча вилоят марказларигача ривожлантириш лойиҳаси амалга оширилди. Ушбу лойиҳа доирасида Тошкент шаҳрида тижорат банклари гавжум жойлашган ҳудудлардаги АТСларни ҳамда Марказий банкни ўзаро боғловчи оптик толали алоқа линияси (ОТАЛ) ўтказилиб, унга БТТнинг 9 дона коммутаторлари уланди ҳамда 155 Мб/с тезликдаги АТМ технологияси тармоғи яратилди.

Барча вилоят ва туман марказларида жойлашган тижорат банклари филиаллари, Молия вазирлиги ва Ҳазначилик бўлинмалари, давлат солиқ инспекциялари учун 64Кб/с – 2 Мб/с тезликларда рақамли БТТ орқали маълумотларни узатиш ва Тошкентдаги Бош идоралари билан юқори тезликда маълумот алмашиш учун имкон яратилди.

Рақамли каналлар орқали барча тижорат банклари ва бошқа абонентларнинг юқори тезликдаги мантикий корпоратив тармоқлари яратилди. БТТнинг жиҳозлари шаҳар, вилоят ва туман АТСларида жойлашганидан қатъий назар, уларни бошқариш марказидан ягона дастур орқали бошқариш таъминланди.



2.2.2-расм. Банк телекоммуникация тармоғи (БТТ)нинг ривожланиши¹³

Банк телекоммуникация тармоғининг ривожланишини 4 босқичга бўлиш мумкин (2.2.2-расм):

- 2008-2009 йилларда Тошкент шаҳри АМТСидаги БТТнинг марказий боғламида Cisco7613-RSP720C-P ва ОТАЛга уланган боғламларда Cisco ME-C3750-24TE-M маршрутизаторлари ўрнатилди, натижада 1GE ўтказиш қобилятига эга бўлган транспорт ҳалқаси ташкил қилинди ва 10/100/1000 Mb/s тезликда банкларнинг Бош офисларини БТТга улаш учун имконият яратилди. Шунингдек, абонентларни UTP кабеллари орқали уланишини таъминлаш учун БТТ боғламларида ZYXEL компаниясининг G.SHDSL bis/ADSL+ коммутатор-модемлари, ОТАЛ орқали уланиши учун SFP

¹³ Муаллифнинг тадқиқотлари натижасида <http://cbu.uz/uzc/node/47014> таҳлили асосида шакллантирилди

портларга эга бўлган Ethernet коммутаторлари ўрнатилди. Натижада БТТда абонентлар учун янги имкониятлар яратилиб, маълумотларни узатиш тезлиги ва ишончлилики оширилди.

- 2008-2011 йилларда рақамли тармоқни барча туман марказларигача етказишга эришилди. Натижада паст тезликдаги аналогли алоқа тизимлари, коммутаторлари ва ускуналаридан воз кечиш ҳамда банкларнинг туман филиаллари, туман молия ва ғазна бўлимлари, солиқ инспекцияларини юқори тезликдаги рақамли каналлар орқали БТТга улаш имконияти яратилди.

- 2012- 2014 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят марказларида “Ўзбектелеком” АЖнинг филиаллари билан келишилган Техник шартлар асосида ОТАЛни ўтказиш ишлари бажарилди. Натижада Марказий банкнинг барча ҳудудий Бош бошқармалари БТТга ОТАЛ орқали уланди ва юқори тезликда маълумот алмашиш имкони яратилди.


- 2012-2015 йилларда Марказий банкнинг маълумотларни сақлаш тармоғини такомиллаштириш ва ягона корпоратив IP-телефон тармоғининг лойиҳалари амалга оширилди. Натижада банк маълумотларини сақлашда ташқи хотира сиғими камлиги сабабли содир бўлиши мумкин бўлган муаммолар бартараф қилинди ва яқин 4-5 йил учун бу масала ҳал қилинди.

Замонавий маълумотларни узатиш тармоқлари оптик кабеллар (ОТАЛ) ва IP транспортни (Ethernet технологиясини) кенг қўллашга асосланади. Бирламчи оператор “Ўзбектелеком” АЖ телекоммуникация тармоқлари инфраструктурасини айнан шу йўналишда ривожлантириш ишларига алоҳида аҳамият қаратиб, ҳозирги кунда юқори тезликдаги IP транспорт каналларини Тошкент шаҳрида, вилоят марказлари ва деярли, барча туман марказларида ижарага бериши мумкин. Яқин келажакда MPLS тармоғи ва L2/L3 VPN хизматларини ижарага олиш имконияти яратилади.

Марказий банк ва тижорат банкларида жорий этилган Интеграллашган ахборот-таҳлилий тизими (ИАТТ) банк раҳбарияти ва қарор қабул қилувчи мутахассисларни тезкор равишда ишончли ахборот билан таъминлаган

ҳолда, банк соҳасининг молиявий фаолиятини оптималлаштириш бўйича зарур қарорларни қабул қилишга замин яратади. Шу билан бирга, ушбу тизим банклараро электрон тўлов тизими, Ҳисоб-китоб-касса марказларининг ягона баланс, тижорат банкларининг ягона баланс тизимлари маълумотлар базалари, шунингдек, Банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси, Кредит ахбороти миллий институти ва бошқа маълумотлар базаларидан ташкил топган бўлиб, у банклар ва хўжалик субъектлари фаолияти бўйича зарур ахборот манбаси ҳисобланади.

Масофадан банк хизматини кўрсатувчи анъанавий «Банк-мижоз» тизими республикамизда кенг тарқалган бўлиб, барча банкларда татбиқ қилинган. Ушбу тизимни қўллаш учун мижознинг компютерида махсус дастур ўрнатилиб, алоқа каналлари орқали банкнинг ахборот тизими билан ўзаро мулоқот таъминланади. Аммо «Банк-мижоз» тизимини қўллашда муайян иш жойига боғланиш ҳамда ихтисослаштирилган дастурлардан фойдаланиш зарурлиги сабабли, ушбу тизимдан фойдаланиш имконияти чекланган. Шунинг учун Интернет тармоғи ва оддий браузер, яъни мижозни тармоққа киришини таъминловчи кенг тарқалган дастур орқали ишлашини таъминловчи онлайн-банкнинг (интернет-банкнинг) тизими кенг қўлланилади. Бу тизимдан фойдаланганда хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, Интернет орқали узатиладиган ахборотлар махсус протоколлар бўйича шифрланади ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланади. Мижоз қаерда бўлишидан қатъий назар, Интернет тармоғи орқали банк хизматидан фойдаланиши мумкин, яъни замонавий ахборот технологияларига асосланган интернет-банкнинг тизими орқали масофавий хизмат турлари амалга оширилади.



2.2.3-расм. Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони (1 январь ҳолатига)¹⁴

Интернет-банкнинг технологияси банк учун ҳам, mijozlar учун ҳам кўшимча қулайликлар яратади. Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчилар сони йилдан-йилга ошмоқда. 2016 йил 1 январь ҳолатига интернет банкинг ва “Банк мижоз” тизимидан фойдаланувчилар 81 942 ва смс банкинг ва мобил банкинг тизимидан фойдаланувчилар 979 530 тани ташкил этди (2.2.3-расм). Жумладан, mijoz ўз ҳисобварағи бўйича банк амалларини бажариш учун банкка бормасдан, Интернет орқали хоҳлаган жойидан, хоҳлаган вақтида бажариш имкониятига эга бўлиб, ҳисобварағининг ҳолати, маблағнинг келиб тушиши, тўловларнинг акс этирилиши каби амаллар ҳақида маълумотларни олиши мумкин. Бу эса mijoz учун ўз вақти ва маблағини тежаш, манзилнинг узоқ-яқинлигига қарамасдан банкни ихтиёрий равишда танлаш ва ўз маблағларини тезкор бошқариш афзалликларини яратади.

Шунингдек, “Uzkart” банклараро тўлов тизими иштирокчилари бўлган тижорат банклари билан ҳамкорликда “on-line” режимида ишлайдиган

¹⁴ http://cbu.uz/uzc/section/payment_system/publications1

миллий технологик платформани яратилиши Интернет-банкнинг хизматлари орқали реал вақт ичида мижоз ўз карточка ҳисобварақларини бошқариши, коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириши учун имкониятини беради.

Бу борада 2013 йил 1 сентябридан бошлаб Ягона Умумреспублика Процессинг Маркази ва “CLICK” компаниясининг UZCARD-CLICK қўшма лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди. Мазкур лойиҳа доирасида Ўзбекистондаги исталган банкнинг барча UZCARD online пластик карталари фойдаланувчилари исталган банк ёки инфокиоскда UZCARD SMS-ахборот бериш хизматини мобил телефонга улашлари мумкин. Сўнгра SMS-ахборот бериш хизмати уланган мобил телефондан бепул USSD сўровини жўнатиб, ўз UZCARD online пластик картасини тизимга боғлаш зарур. Шундан кейин фойдаланувчи мобил телефон орқали пластик картадан тўловни амалга ошира олади. Барча тўловлар воситачилик ҳақисиз амалга оширилиши мазкур лойиҳанинг фарқланувчи хусусияти ҳисобланади. Online пластик карталар фойдаланувчиларига инновацион хизматларни тақдим этаётган бундай замонавий лойиҳаларни жорий этиш кўп жиҳатдан мамлакатимизда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг ривожланишига имкон яратмоқда.

Миллий тўлов тизимида ахборот муҳофазаси тизими комплекс тарзда яратилган бўлиб, бунда ахборот бир нечта босқичларда ҳимояланади. Буларга мисол қилиб, электрон тўлов ҳужжатлари электрон тарзда яратилганда, ушбу ҳужжат электрон рақамли билан тасдиқланади ва шифрланади, кейинги босқичда ҳимояланган алоқа каналлари орқали юборилади. Шу билан бирга, банк ахборот тизимини ташқи муҳитдан ҳимоялаш мақсадида тармоқлараро экранлар ўрнатилган, шунингдек, банклардаги сервер ва ишчи станцияларнинг барчасига лицензияланган антивирус дастурлари ўрнатилган. Марказий банк тизимида антивирус ҳимояси марказлаштирилган тарзда таъминланган ва унинг базаси мунтазам равишда янгиланиб борилади. Ушбу тадбирлар натижасида, банк ахборот тизимларига ташқаридан ноқонуний равишда кириш ва электрон маълумотларни рухсатсиз тасарруф этиш тўлиқ бартараф этилган. Интернет

тармоғига ўрнатилган прокси-сервер аппарат-дастурий қурилмалари ҳар бир фойдаланувчини аутентификация ва идентификация жараёнидан ўтказгандан сўнг кириш ҳуқуқини тақдим этади. Банк локал тармоғи интернет тармоғидан жисмонан ажратилган бўлиб, банк тармоқларида фойдаланилаётган компьютерларни интернетга уланиши қатъиян таъқиқланган. Шунингдек, банк телекоммуникация тармоғи таркибида тижорат банкларининг виртуал корпоратив тармоқлари яратилган. Бу виртуал тармоқларга фақат тижорат банклари томонидан белгиланган фойдаланувчилар махсус пароллар ёрдамида кириши мумкин. Тармоқнинг бошқарув командалари ва маълумотларнинг бошқа-бошқа каналлардан узатилиши, бошқарув маркази ва алоқа жиҳозлари қўриқланадиган биноларда жойлашиши, бегона шахсларнинг бу биноларга кириши чекланганлиги ҳам хавфсизликни таъминлаш учун хизмат қилади.

3. МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Хориж тажрибасида тўлов тизимининг қўлланилиши

Замонавий тўлов тизими қуйидаги элементларни ўз ичига олади: пул бирлиги, валюта курсини ўрнатиш қоидалари, баҳолар масштаби, тўлов кўринишлари, эмиссия тизими, давлат ёки кредит аппарати.

Ривожланган мамлакатларнинг замонавий тўлов тизими қуйидаги хусусиятларга эга:

- пул бирлигининг олтин таркиби, банкноталарини олтин билан таъминлаш ва унга алмашишнинг бекор қилиниши;
- олтинга алмашинмайдиган, кейинчалик қоғоз пулга айланадиган, кредит пулларга ўтиш;
- пулни муомалага нафақат хўжаликларни банклар томонидан кредитлаш, балки давлат харажатларини қоплаш учун чиқариш;
- пул муомаласида нақдсиз пул айланмаси устунлиги;
- пул муомаласини давлат томонидан тартибга солишнинг кучайиши.

1929-1933 йлардаги жаҳон иқтисодий инқироzi даври ва ундан кейин юзага келган валюта блоклари, ривожланаётган мамлакатларда эмиссия институтлари ва уларнинг операцияларини назорат қилиб турган метрополияларга боғлиқ бўлган пул тизимлари сақланиб қоли-шини таъминлаганлар. Эмиссия миқдори хўжалик эҳтиёжлари билан эмас, тўлов баланслари ҳолати билан белгиланган. Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги даврда урушгача бўлган валюта блоклари асосида алоҳида валюта зоналари яратилди. Бу валюта зоналари асосий валютага нисбатан бошқа валюталарнинг қатъий курсини ушлаб туриш; миллий валюталарни гегемон – давлат банкларида сақлаш; зона ичида валюта ҳисоб-китобларнинг имтиёзли тартиби каби хусусиятларга асосланиб фаолият олиб боради.

Европа валюта тизимининг вужудга келиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1958 йил «Умумий бозор» ташкил этилгандан сунг, ягона бозор учун ягона валютага эҳтиёж сезилди. Шундай шароитда умумий валюта ўрнини олтинга эркин алмашинувчи ва дуненинг қарийиб барча давлатларида резерв валюта сифатида сақланадиган АҚШ доллари босди.

ЕВТ нинг бошқарув органлари ҳозирги кўринишга келгунга қадар Европа Валюта Фонди (ЕВФ) томонидан амалга оширилган.

ЕВТ нинг амалдаги бошқаруви 2 муҳим усул билан амалга оширилган:

1. Административ усул;
2. Бозор усули.

2-усулда ЕВТ учун асосий шартларидан бири бу ЭКЮ нинг конвертация масаласидир. Конвертация муаммосининг юзага келиши ЕВФ ташкил этилишига сабаб бўлди.


1-усулда эса ЕВФ га аъзо давлатларнинг эмиссион банклари ЭКЮ билан буладиган операциялар жараенида давлатлараро тўлов баланси сальдосини тартибга солиш. Бу операциялар доирасида ҳар бир давлатнинг МБ и ўз валютасидаги активларни ЭКЮ га конвертация қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Бу турдаги валюта алмашинувлари ЕВФ функциялари доирасида амалга оширилди. ЕВФ қисқа, ўрта ва узоқ муддатли молиялаштиришни амалга оширди.

Ягона валюта ва кредит сиёсатининг аниқ бажарилиши бу тизимга аъзо ҳар бир давлатнинг МБ лари (сиёсати) асосида ташкил этилган. ЕИМБ томонидан назорат қилинади. Бошқарув Совети асосий фоиз ставкалари ва пул агрегатларини белгилайди ва шу билан бир қаторда олтин валюта резервлари устидан назорат ўрнатади. Бундан ташқари ЕМБ миллий МБларнинг валюта эмиссиясига ўзининг квоталарини ўрнатади. ЕМБ миллий МБ лар устидан жорий назоратни олиб бориш орқали ЕИ валюта бозори конъюктурасини тартибга солади ва валюта интервенциясини ўтказиш учун олдиндан замин яратади.

ЕМБнинг асосий, валютани тартибга солиш, инструменлари қуйидагилардан иборат:

- 1) инфляция даражасини назорат қилиш учун асосий пул агрегатлари устидан жорий мақсадли назоратни ўтказиш;
- 2) «Еврохудуд» давлатлари учун фоиз ставкаларнинг тебраниш лимитларини урнатиш;

- 3) очик бозор операциялари;
- 4) банклар учун минимал резерв талабномаларини ўрнатиш;



**3.1.1-расм. Еврохудуд давлатлари банкларида
фойдаланиладиган “ТАРГЕТ” ҳисоб-китоб тизими¹⁵**

Еврохудуд давлатлари банкларининг фаолияти замонавий, ўзаро қулай бўлган «Таргет» номи билан машҳур ҳисоб-китоб тизимида юритилиши ЕИМБ томонидан амалга оширилди (3.1.1-расм). Бунда бир давлат ўз банк қонунчилигига асосан ҳисоб китобларни амалга ошириб, тегишли ҳужжатларни ўз стандартлари асосида тўлдиради ва коммуникация тармоғига жўнатади. Коммуникация тармоғини уни қабул қилиб олиши керак бўлган давлат стандартлари асосида ҳужжатларни қайта ишлайди ва ўша давлат банкига жўнатади. Шунини таъкидлаш жоизки, ЕИ га аъзо 15та давлатнинг 11тасигина ягона валюта тизимига аъзодир. Бу тизимга аъзо бўлмаган қолган 4 та давлат учун ҳам алоҳида ҳисоб-китоб механизми

¹⁵ http://eos.ibi.spb.ru/umk/5_12_11/5/5_R1_T4.html

ўрнатилган. Белгиланган мезонларга кўра, юқоридаги 4 та давлатларнинг миллий валюта курси ва евро курси ўртасидаги муносабат $\pm 15\%$ ни ташкил этиши керак. Бу давлатларнинг ички ҳисоб-китоб механизмига асосланган курс сиёсати ЕИ Совети томонидан (ЕМБ нинг таклифларига таянган ҳолда) кўпчилик овоз бериш йўли билан амалга оширилади. 15%ли тебраниш лимитини бузган давлатлар учун, маълум мақсадларга йўналтирилган, пул бозори доирасидаги валюта интервенцияси сиёсати олиб борилади. Бу давлатларнинг (4 та) тижорат банклари ўзаро ҳисоб-китобларда, фақатгина маълум шартлар асосида «Таргет» тизимидан фойдаланиш мумкин.

Ягона валюта-кредит бозорининг асосий талабларидан бири бу либерализация жараени ва давлатларнинг ягона қонун, қоидаларга амал қилаган ҳолда молия операцияларини амалга оширишдир. Булар:

1) суғурта компаниялари ва бошқа турдаги фондлар нафақат ўз давлатларида балки Еврохудуд микёсида ҳам уз инвестицион опреацияларни ўтказиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолат эса компанияларнинг давлат томонидан амалга ошириладиган марказлашган сиёсатдан қочиб, уз портфелининг диверсификацион мавқеини оширишга олиб келади;

2) миллий чекловларини чеклаб ўтган ҳолда, давлат қимматли қоғозларини кенг Еврохудуд тармоқларига жойлаштириш учун йўл очади;

3) Еврохудуд ичида кафолат тариқасида кўчмас мулкларининг ҳаракати чегараланмаган ҳолда, фақат давлатларнинг махсус мақсадга йўналтирилган рухсатномаларини талаб қилган ҳолда, амалга оширилади;

4) Хар бир давлатнинг миллий валюта сиёсатида шу давлат банкининг бошқа давлатдаги филиаллари устидан олиб бориладиган назорат камаяди;

5) Еврохудудига аъзо давлатларда турлича солиқ тизимининг ташкил этилиши узаро муносабатларга киришаётган икки давлат субъектлари ўртасидаги рақобатни сусайтиради.

Европага ўтиш доирасидаги асосий йўриқномаларига кўра, ҳукумат билан бир қаторда хусусий бизнес ҳам ЕИ нинг талаб ва чекловлари доирасида Еврохудуд миқёсида эркин фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қатор давлатларнинг молиявий операциялари доирасида янги валютага ўтиш қонун-қоидалари ўрнатилди. Узоқ даврлардан бери ЭКЮ га эквивалент база асосида ишлаб келаётган ЕИ нинг молиявий институтлари учун еврога ўтиш осон кечади. Европа инвестицион банки ва бошқа молия институтлари томонидан ягона ички бухгалтерия тизими яратилди. ЕИ ва ЕМБ томонидан 1999 йил 1 январдан олдин муомалага чиқарилган асосида ЭКЮ ётган облигациялар автоматик равишда еврога конвертация қилинади. ЕИ га аъзо давлатларнинг валюталари эса еврога ўз курси бўйича 2001 йил 31 декабргача қайта ҳисобга олинади. Давлатларнинг ташқи қарзлари еврога конвертация қилинган ҳолда 1999-2001 йил мобайнида тўланиши шарт. Европа фонд биржа бозоридаги Еврохудудга аъзо давлатларнинг халқаро миқёсдаги қимматли қоғозлари 1999 йил 4 январдан (Биржанинг 1-очиلىш куни) бошлаб еврога деноминация қилинган ҳолда муомалада бўлади.

Миллий валютадаги евронинг молиявий кўрсаткичларидаги курсининг ўзгариши вергулдан кейин 3 та соннинг ўзгариши асосида аниқланишини келишиб олинди.

Еврохудудда банк фаолиятига тегишли бўлган 2та йўриқнома қабул қилинди.

Биринчисида, ўтиш даври давомида барча давлатларнинг миллий банклари миқознинг счётида қолган суммадаги миллий валюталарни қайта ҳисобга олишдан озод қилинди. Валюталарнинг еврога демонитаризация жараёни фақатгина маълум мақсадлар учун қўлланилади. Конвертацион валюталарнинг маълум ҳажмдаги чегараси эса банклар томонидан мустақил белгиланади.

Иккинчисида эса, банкларнинг қисқа ва узоқ муддатли еуровалюта операциялари ўзаро боғлиқ турли йуналишлар бўйича олиб борилади. 1-томондан, еуровалюта заем, облигацияларни сотиб олиш манбасидир. Қисқа муддатли еуровалютали қимматбаҳо қоғозларни сотишдан тушган маблағ, кўпинча қисқа муддатли сармоялар бозорига жойлаштирилади. Узоқ муддатли маблағлар олинган вақт ва улардан фойдаланиш муддати ссуда олинган мақсад учун ишлатишни бошлагунча қисқа муддатга жойлаштирилади. Бундай операцияларнинг хажми одатда, қисқа муддатли бозорда еуровалюталарни ставкалари ошиб боради.

3.1.1-жадвал

1 000 та фуқаро учун тўғри келадиган тўлов карталар сони (2014 йил)¹⁶

Давлатлар	Дебет карталар	Кредит карталар
Бельгия	1 522.9	798.5
Франция	922.0	503.2
Германия	1 296.9	593.5
Италия	784.4	941.1
Швеция	922.2	809.2
Буюк Британия	1 258.7	1 500.2
АҚШ	1502.3	4 384.1

3.1.1-жадвалдан кўриниб турибдики Европанинг аксарият мамлакатларида дебет карталардан фойдаланилади. АҚШда эса кредит карталардан фойдаланилади.

Янги валютага ўтиш ЕИдаги тадбиркорлик савдо соҳасида яхши имкониятлар яратади. Бунинг учун Еврохудуд пул-кредит ва валютани тартибга солиш доирасидаги ягона ҳуқуқий масканга айланади. Табiiй ҳолки,

¹⁶ <http://www.creditcards.com/credit-card-news/credit-card-market-share-statistics-1264.php>

пулларни ўтказма килиш муддати қисқаради, операцияларни ҳисоб-китоб хизматлари учун қилинадиган харажатлар камаяди, бу ҳолат эса корхоналарда оборот капитали ва устама харажатини тушишига олиб келади.

Интернет-банкнинг элга манзурлиги дунёда кун сайин ўсмоқда, бу ҳам бежиз эмас, чунки у фойдаланувчиларга бераётган қулайликлар нафақат ўзларининг банк ҳисобидаги маблағларини фаол ишлатиш ва назорат қилиш имконини беради, балки ҳар бир одамга мобилроқ бўлиш ва хизматлар тўловига вақтни тежаш имконини беради.

Куни кеча россияликларнинг онлайн ўзларини тутишларини ўрганиш лойиҳаси доирасида Synovate Comcon компанияси масофадаги банк хизматларидан фойдаланиш соҳасида ўзининг тадқиқоти натижаларини чоп этди ва унга кўра Россиядаги фаол интернет фойдаланувчиларнинг салкам ярми айнан интернет-банкнинг афзал кўраркан. Устига-устак мобил банкдан фойдаланадиганларнинг салкам учтан бири мобил банкдан фойдаланади ва бешдан бири иккала хизматдан баравар фойдаланади. Шу билан бирга бу иккала хизматдан қониқиш даражаси юқорилигича қолиб 5 баллдан 4,4 баллни ташкил этади.

Synovate Comcon савол-жавобида ҳаммаси бўлиб 2 500 та жавоб берувчи қатнашган. Улар – 16дан 54 ёшгача 140 та Россия шаҳарларидан интернет фойдаланувчилар. Айтгандек, ҳужжатда яна, интернет фойдаланувчиларнинг учдан бири банк операцияларини илгаригидек банкда ўтказишни афзал кўргани таъкидланган.

3.2. Миллий тўлов тизимида ахборот технологияларини ривожлантириш истиқболлари

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилди. Концепциянинг бош мақсади миллий тўлов тизимида замонавий ахборот коммуникация тизимларини кенг жорий қилиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат” тизими таркибига киритилган банк

ахборот тизимларини ўз вақтида ишга тушириш, иш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш ва ахборот алмашувини уйғунлаштириш, замонавий банк ахборот тизимларининг самарадорлигини ошириш ҳамда банклар томонидан аҳоли, тадбиркорлик ва хўжалик юритувчи субъектларига кўрсатиладиган хизмат турларини, жумладан, интерактив хизматларини кенгайтириш ҳамда банк хизматлари сифатини оширишдан иборат.

Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидагилар Концепциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- банк ахборот тизимларида замонавий техник ечим ва технологияларни кенг қўллаган ҳолда банк фаолиятини автоматлаштириш даражасини юқори савияга кўтариш;

- Ўзбекистон Республикаси “Электрон ҳукумат” тизими таркибига киритилган чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш Клиринг тизимининг хизмат доирасини кенгайтириш;

- давлат буюртмаси рўйхатига киритилган (2015-2016 йиллар учун) “Ташқи савдо операцияларининг Ягона электрон ахборот тизимини (ТСО ЯЭАТ) такомиллаштириш” лойиҳасини электрон тижоратдаги битимларни ҳисобга олган ҳолда ишга тушириш;

- банк ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларининг узлуксиз фаолиятини таъминлаш;

- банк ахборот ресурсларини доимий равишда зарурият бўйича янгилаб бориш ва улардан кенг фойдаланишни таъминлаш;

- банк тизимида бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларини замонавий технологиялар асосида автоматлаштириш орқали банк хизматлари турларини амалиётга кенг татбиқ қилиш ва кенгайтириш, аҳоли ва тадбиркорларга қўшимча қулайликлар яратиш;

- аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан ахборотларни эркин ва монеликсиз олишни таъминлаш, шунингдек интерактив хизмат турларини кенгайтириш, хизматларни “бир дарча” орқали кўрсатишни жорий қилиш;

- хавфсизлик ва ахборотлар муҳофазасининг ташкилий ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш ҳамда янги технологияларни қўллаган ҳолда ахборот муҳофазаси тизимини янада ривожлантириш;

- жисмоний ва юридик шахсларга интерактив хизматлар кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган Марказий банк расмий веб-сайтини идентификациялаш тизими билан интеграциялаш;

- Марказий банк ахборотлаштириш объектларини ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан аттестациядан ўтказишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

- банк пластик карталари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизимидан фойдаланиш бўйича орттирилган тажрибага асосан онлайн пластик карта хизматларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

- Марказий банк ва тижорат банкларининг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтлари фаолиятини доимий мониторинг қилиш ва сифатини ошириш. Жумладан, маълумотларни мунтазам янгилаб бориш, веб-сайтлар орқали кўрсатиладиган интерактив хизматлар турларини кенгайтириш;

- республикада электрон тижоратни ривожлантириш концепцияси ва давлат дастурларини амалга ошириш ва жорий этишда фаол қатнашиш;

- Гаров реестри тизимини халқаро талаблар даражасига мос келишини таъминлаш;

- Кредит ахбороти миллий институти ахборот тизимларини такомиллаштириш;

- Банк соҳасида ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассислар малакасини мунтазам равишда ошириш, кадрлар тайёрлашни янги сифат босқичига кўтариш.

Шунингдек, Концепцияда замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда 2016-2018 йиллар давомида банклар томонидан мижозларга

кўрсатиладиган хизматлар турини кенгайтириш, такомиллаштириш ва жорий этиш истиқболлари аниқлаб олинади.

Марказий банк ва тижорат банкларининг мавжуд бўлган ахборот берувчи интерактив хизматлари билан биргаликда мижозларга банк амалиёт хизматларини бевосита интерактив тарзда кўрсатишга ўтиш масалаларини ёритиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, яқин йилларда клиринг тизимининг абонентлари сонини ошириш, тизимнинг хизматлари доирасини кенгайтириш, яъни хизмат кўрсатувчи янги корхоналарни тизимга улаш назарда тутилмоқда.

Жумладан, барча стационар телефон операторлари ва филиаллари (“Ўзбектелеком”, “ТШТТ”, “Бизнесни ривожлантириш маркази” ва бошқалар), Интернет провайдерлари, барча мобил телефон операторлари, телевидение хизматларини кўрсатувчи операторлар фойдасига клиринг тизими орқали тўловларни ўтказиш режалаштирилмоқда.

Бу соҳадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида қуйидагилар амалга ошириш мўлжалланган:

- муомаладаги онлайн карталари, терминаллар, инфокиосklar сонини ошириш;

- Вазирлар Маҳкамасининг қарори бўйича тижорат банкларининг эҳтиёжлари учун банк пластик карта тизими учун импорт қилинадиган қурилма, ускуна, дастурий таъминотларини божхона тўловларидан озод қилиш (ҳозирги кунда мазкур қарор лойиҳаси келишилмоқда);

- пластик карта тизими учун импорт шартномалари бўйича харид қилинган техник ва дастурий воситалардан самарали фойдаланишни назорат қилиш ва зарур чораларни кўриш;

- “Smart-Vista” EMV тизимида “on-line” режимида ишлашга мўлжалланган терминалларнинг сифатли ишлашини таъминлаш мақсадида ЯУПМнинг сервер тизими ва алоқа каналлари сифатли ва узилишларсиз ишлашини мониторинг қилиш.

2016-2018 йиллар давомида тижорат банклари томонидан бу борада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, солиқ идоралари ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан биргаликда куйидаги ишларни амалга оширилиши тақазо қилинади:

- аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган товарлар ва маҳаллий бозорларда сотилаётган бошқа маҳсулотларнинг тўлов терминаллари ўрнатилган савдо дўконларида мавжуд бўлишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни кўриш;

- аҳолига хизмат кўрсатадиган барча турдаги транспорт воситаларида (метро, маҳаллий транспорт, шаҳарлараро, вилоятлараро маршрут, такси ва бошқалар) йўлқира ҳақларини банк пластик карталари ёки махсус электрон транспорт карталари орқали тўлашни жорий қилиш;

- чакана савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига ўрнатилган тўлов терминалларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида аҳоли томонидан «Ишонч телефонлари»дан кенг фойдаланишни тарғиб қилиш;

- банк карталари орқали банклараро амалга оширилган тўловларни белгиланган вақтда тегишли банк ҳисобварақларида акс эттирилишини Ягона умумреспублика процессинг маркази ва тижорат банклари томонидан узлуксиз таъминлаш;

- банк карталари орқали тўловларни амалга оширишни янада ривожлантириш ҳамда тизим инфраструктурасини кенгайтириш мақсадида 2016-2018 йиллар давомида муомалага қўшимча равишда банк пластик карталарини чиқариш ҳамда тўлов терминаллари, банкомат ва инфокиосклар ўрнатиш;

- 2016-2018 йиллар давомида банк пластик карталари орқали электрон тижорат тўловларини амалга ошириш учун электрон тижорат билан шуғулланувчи ташкилотларни зарурият бўйича терминаллар билан таъминлаш.

Тижорат банклари томонидан яқин йиллар давомида муомалага чиқариладиган пластик карталар сонини 1,2 марта, савдо ва хизмат

кўрсатувчи объектларда ўрнатиладиган тўлов терминаллари сонини 1,15 марта кўпайтириш режалаштирилмоқда.

БТТни ривожлантириш лойиҳаларида “Ўзбектелеком” АЖ инфраструктурасининг замонавий имкониятлари ҳисобга олиниб, 2016-2018 йилларда қуйидагиларни амалга ошириш режалаштирилади:

- БТТнинг Тошкент шаҳри ва вилоят марказларидаги марказий боғламларининг ва Тошкентдаги ОТАЛга уланган АТСдаги боғламларни ўтказиш қобилиятини кучайтириш. Марказий боғламларга Тошкент шаҳри ва вилоят марказларидаги АМТСларда боғламлар киради. Натижада MPLS протоколи бўйича маълумотларни узатишни таъминловчи иккинчи транспорт халқаси ва 1Гбит/с ва 10Гбит/с портлари ташкил этилади ҳамда марказий боғламлардаги ва ОТАЛга уланган коммутаторларни резервлаш таъминланади;

- БТТнинг Тошкент шаҳар қисмини такомиллаштириш бўйича ОТАЛга уланган шаҳарлараро ва бошқа АТСлардаги тармоқ боғламларидаги самарали мультисервиси коммутатор-маршрутизаторлар билан кучайтирилган жиҳозлар асосида MPLS ва IP-VRF протоколли тармоқни яратиш. Ушбу коммутаторлар асосида мавжуд 10/100/1000 Мб/с тезликдаги шаҳар тармоғини MAN тармоғи (шаҳар тармоғи) абонентларининг MPLS тармоғига уланиши учун (кириши учун) имкон яратилади;

- вилоят ва туман марказларидаги боғламларни такомиллаштириш ва ОТАЛ портлари билан таъминлаш. Натижада вилоят ва туман марказларида MPLS тармоғига кириш тармоғини яратиш мумкин бўлади.

- ҳозир мавжуд бўлган 155 Мб/с тезликдаги АТМ тармоғини маънавий эскирганлиги сабабли демонтаж қилиш;

- банк маълумотлари ҳажмини кўпайиши йўналишларини ва тижорат банкларининг маълумотларини қайта ишловчи жамоа захира марказини яратилишини ҳисобга олган ҳолда мавжуд оптик толали алоқа линиясини кенгайтириш (зарурият бўйича);

- барча вилоят марказларида MPLS протоколи бўйича маълумотларни 1 Гбит/с тезликда узатилишини таъминлаш. Натижада MPLS тармоғига кириш тармоғи яратилади;

- БТТнинг барча шаҳарлардаги ҳамда вилоят ва туман марказларидаги абонентларини IP Ethernet интерфейс портлари орқали тармоққа уланишини таъминлаш;

- тармоқни ривожлантирилишини ҳисобга олган ҳолда бошқариш марказини такомиллаштириш;

- иқтисодиёт сектори субъектларига кўрсатиладиган БТТ хизматининг сифати ва турларини доимий равишда ошириб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори ижросини таъминлаш борасида мижозлар учун юқорида белгиланган қулайликларни яратиш мақсадида қарор билан тасдиқланган комплекс чора-тадбирларнинг (қарорнинг 1-илоvasи) 17-банди ва 2011 йил 7 февралдаги

ПҚ-1474-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида” қарори билан тасдиқланган Давлат дастурининг 53-бандларида банк мижозларига ахборот коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда, банкдаги банк ҳисобварақларини масофадан туриб бошқариш имкониятини яратиш, шу асосида кўрсатилаётган банк хизматларининг сифати ва кўламини кенгайтириш масалалари белгиланган.

Мазкур ишларни амалга ошириш учун Марказий банк томонидан Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси (ҳозирги вазирлик) билан келишилган “Кўрсатилаётган банк хизматларининг сифати ва кўламини ахборот-алоқа технологияларни кенг қўллаган ҳолда кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ҳамда банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари (банк-мижоз, интернет

банкинг, мобил-банкинг, sms-банкинг ва бошқалар)ни республика миқёсида доимий кенгайтириб боришга доир мақсадли кўрсаткичлар режаси тасдиқланган.

Шу муносабат билан, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланаётган мижозлар сони тўғрисидаги маълумотлар 2011 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳар ойда мониторинг қилиб борилмоқда. Мониторинг натижаларига кўра, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони муттасил кўпайиб бормоқда.

4. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ҲАФСИЗЛИГИ

4.1. Гиподинамия (Монотония) ва уларнинг инсон саломатлигига таъсири.

Иш унумдорлигини ошириш мақсадида ақлий ва жисмоний қилинадиган меҳнатни ташкил этилишини асосий йўналишлари ва формулалари.

Асаб тизимлари касалланишни келтириб чиқарувчи омилардан ҳимояланиш чоралари:

- инсоннинг психик фаолиятини меъёрга ушлаб туришда шарт-шароитларни тўғри ташкил этилиши;
- асаб тизимларини касалликларини келтириб чиқаруви ҳолатларини олдини олувчи ва умумий соғломлаштириш ишлаб чиқариш;
- ақлий зўриқишга ва иш унумдорлигини ошириш ва иш мобайнида соғлиқни сақлаш оптимал шартлар ишланмаси.

Одам ҳаётида жуда кўп ички ва ташқи факторлар учрайди. 200 та энг асосий организмга таъсири факторлардан биринчи тўртликни гиподинамия эгаллайди.

Гиподинамия дегани бу *(кам ҳаракат)* иккинчи фактор нотўғри овқатланиш (ортиқча вазин), учинчиси зарарли одатлар (алкагол қабул қилиш, чекиш ва наркотик қабул қилиш ва бошқалар) тўртинчиси ноқулай экологик ҳолат. Ҳозирги ўқуш жараёни ўқувчиларнинг фақат соғлиғига таъсир қилиш билан бирга жуда кўп ҳаракатни юзага келтиради. Ҳар бир одамнинг 50 - 60 % вақти одам ҳаракати активлиги билан банд бўлиши керак. Ҳар бир ўқувчининг ўз ҳаракати бор ёғи 8 – 20 % ни ташкил қилади. Жуда кўп текширишлар шуни кўрсатадики мавжуд бўлган жисмоний тарбия ва унинг дастури боланинг ва ўсмирнинг тўлиқ ривожланиши учун янада ривожлантириш, янги усуллар ўйлаб чиқариш ўқувчиларнинг соғлиғини сақлаш учун жуда кўп маблағ ва усуллар керак бўлади.

Замонавий ўқиш одамда эмотсанаал ҳолат ҳаракат активлиги билан кечмайди. Гепокенизия кучни ва чидамлиликини, мускулларининг қизил ва оқ толаларарини, мушакларининг оғирлигининг, ҳаракат кординациясини бузилишига олиб келади. Шунинг натижасида функциянал ўзгаришлар юзага келади. Масалан, юрак уришининг тезлашиши, қон айланиши ҳажми камайиши, умумий организмдаги қоннинг умумий камайиши, қон томирларининг ҳажмининг қисқариши.

Организмдаги қон айланиши секинлашиши гепокинеизия касаликлар билан боғлиқ касаларга юрак қон томир системаси асаб, ошқозон ичак системаси бузилиши суяк, мускул ва тоғой ўзгаришлар киради.

Макатаб ўқувчилари ва талабаларининг кам ҳаракатлилиги уларда жуда кўп юрак қон томир нафас кўриш системаси умуртқа поғонаси қийшайиши семизлик ақлий фикирлаши камаяди.

Олий оқув юртаги талабаларни социал соровнома ўтказилганда 80 % талабалар бир суткада 15 соат ўтириши маълум бўлди. Уларнинг ухлаши 7 соат. Шундан келиб чиқиб этиш мумкинки уларнинг ҳаракат қилишига бор йўғи суткасига икки соат қолади. Шуни кўриб этиш мумкинки 80 % талабада гиподинамия. Шу сабаблӣ талабаларда ҳар ҳил касаликлар кўп кузатилади.

Бор йўғи талабаларнинг 6 % спорт билан шуғулланади, эрталабки бадан тарбия машқлари билан еса 9 % талаба шуғулланади. Жисмоний соғломлаштириш марказининг маълумотиға кўра оҳирги вақтда жуда кўп талабалар жисмоний тарбия дарсидан тиббиёт ҳодимлари тамонидан тўлиқ озод қилинган.

ФОТС кафедрасида юқоридаги масалалар бўйича ҳар бир талабани соғлиғини комплекс баҳолаш бўйича программа ишлаб чиқилди. Бу программа ёрдамида ҳар бир талабаниннг соғлиғи бўйича паспорт тузилади. Шу паспорт бўйича ҳар бир талабаниннг жисмоний соғлиғига тўғри келадиган ҳаракатли жисмоний машқлар ишлаб чиқилган, талабаларнинг фотс кафедрасида соғлиғи анализ қилинганида биринчи курслар ичида 95 % талабаниннг шикояти организмнинг қуввати камайганлиги, (ҳолсизлик, кўп

ухлаш, бош оғриқ, тез чарчаш ва бошқалр) кузатилади. 52 % шикояти эса рематит касалик ҳарактерида, яни оёқ ва қол, бўйин, бел, елка қисимларидаги оғриққа, 40 % талаба еса ошқозондаги оғриққа шикоят қилади.

Бу ҳолатда организмни яхшилаш учун жисмоний тарбия спорт ривожига жуда катта рол ойнайди. Буни натижасида талабаларнинг соғлиғи яхшиланади ҳозирги пайтда олий ўқув юртлирида 1- 3 курсгача ҳафтасига 2 – 4 соат жисмоний тарбия дарси ўтказилмоқда бу жуда кам организмнинг меёрида ишлаши учун 1 кунда камида 2 соат жисмоний ҳаракат билан шуғулланиш керак.

Ҳозирги пайтда шу сабабли талабалар ва ҳар бир корхоналар ишчилар ўртасида спартакиадалар ўтказиб турилади. Лекин буларнинг ҳаммаси кам ҳаракат, ўқитувчи ва талабалар учун кам.

Монотоний труд бу (бирҳил иш) бу жисмоний шахснинг ҳар куни бир ҳил иш билан шуғулланишига этилади. Одам организми манатонияга ўрганиб қолади.

Гепокенизия бу одамнинг ҳаракат активлигининг чегараланиши.

Геподенамия бу одамнинг мускул ишлаш кучини чегараланиши.

Организм ҳар куни бир ҳил меҳнат билан гепокенизия ва геподенамия фактори организмда манатониянинг ривожланишига олиб келади.

Бир ҳил меҳнат турининг асосий кўрсаткичларига қуйидагилар киради.

- иш усулларининг оддийлиги.
- ишлаш циклининг узокмаслиги.
- юқори даражада бир ҳил ишнинг қайтарилиши.
- ижодий элементларнинг йўқлиги.
- бир ҳил аниқ ҳаракат.
- мажбурий ритм ва темп.
- ишининг бажарилишлиги ҳақида маълумот йўқлиги.
- интеллектуал эмотсионал қийинчилиги йўқлиги.
- енгил ва ўрта жисмоний оғирлик.
- ҳаракат камлиги.

Буни гиподинамия гепокинизияга олиб келади.

- доимий шовқин.
- люминесцент лампаларининг строгоскапик таъсири.
- иш ҳаракати бўшлиғи чегараланиши.
- изоляция.

Ҳар бир одам ҳар куни бир ҳил иш бажариш жараёнида психологик ва физиологик тасвирларга учрайди. Бу ўз ўрнида монотония ҳолати ривожланишига олиб келади.

Ҳар бир одам учун монотония организмнинг психофизиологик активлигини пасайишига олиб келади.

- Тетиклик даражаси пасайиши.
- симптик ва вегетатив асаб системасининг тонусини пасайиши (пулс камайиши қон босимининг пасайиши).
- скелет мускуларининг тонусини пасайиши.

Монотония ҳолати ишчи ҳаракатнинг ёмонлаши билан ҳаракатланади ишнинг самарасининг пасайиши ҳатолари кўпайиши кузатилади одамнинг професионаллик фойяти параметри пасаяда ва умумий иш фойяти пасайиши бу ҳолатни асосий толқин симон омили бор бу ҳолат воқти – воқти билан ўзгариб туради иш фойяти кучайиши ёки камайиши бу инергетик, психологик, функционал ресурсларга боғлиқ.

4.2. Фуқаролар ҳимояси масалалари фавқулодда вазиятларда аҳоли ва ҳудудларни ҳимоялаш давлат тузими.

Фуқаролар муҳофазаси- умумдават мудофа сиёсатларидан бири бўлиб, у ҳар қандай фавқулодда ҳолатларда фуқароларни, халқ хўжалиги тармоқларини муҳофаза қилишда, уларнинг муттасил ишлашини таъминлашда ҳамда қутқариш ва тиклаш ишларини бажаришда катта аҳамият касб этади. ФВВнинг асосий вазифалари ва фойялият йўналиши асосан: фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, фуқаролар ҳаёти ва

саломатлигини муҳофаза қилиш, ғавқулодда вазиятлар юз берганда уларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда зарарини камайитириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ғавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай ҳоллардаги ҳаракатларни бошқаришнинг давлат тизими (ФВДТ)ни ташкил етиш ва унинг фаолиятини таъминлаш, фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш, вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, мақсадли ишлаб чиқариш ва ҳакозаларга қаратилган.

Шундай қилиб, фуқоралар муҳофазаси ҳар қандай ғавқулодда вазиятларда фуқораларни, моддий ресурсларни муҳофаза қилиш, фуқораларни қандай ҳатти-ҳаракат етиши, уларга қандай чора тадбирлар билан ёрдам берилиши, шикастланган зоналарда қутқарув ва тиклов ишларини олиб бориш, ишлаб чиқариш тармоқларини муттасил ишлашини таъминлаш вазифаларини бажаради. Зеро, ер юзида умимий қирғин қуроллари, ҳужумкор қуроолларнинг замонавий турлари мавжуд екан, шу билан бирга табиий ва техноген хусусиятли ғавқулодда вазиятларни бўлишлиги муқаррар бўлганлигидан ҳар бир давлатда ва унинг барча ҳудудларида фуқаролар муҳофазаси давлат тизими ташкил етилади ва унинг вазифалари аниқ белгиланади.

Ғавқулодда вазият (ФВ)-маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий муҳитга сезиларли моддий зарар етказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир.

Ғавқулодда вазиятлар ҳавфининг тарқалиш тезлигига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- а) тасодифий ФВ – ер силкиниши, портлаш, транспорт воситаларидаги авариялар ва бошқалар;
- б) шиддатли ФВ – ёнғинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи портлашлар ва бошқалар;

в) мўътадил (ўртача) ФВ – сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чикувчи авариялар ва бошқалар;

г) равон ФВ – секин-аста тарқалувчи хавфлар: қурғоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда йўқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гуруҳга бўлинади:

- Локал (объект миқёсидаги) ФВ;
- Маҳаллий ФВ;
- Республика (миллий) ФВ
- Трансчегаравий (глобал)

Локал фавқулодда вазият – бирор объектга талукли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан зиёд бўлмаган одам жабрланади ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорини ташкил етган ҳисобланади. Маҳаллий тавсифидаги фавқулодда вазият – аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдорини ташкил етган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги фавқулодда вазият – дейилганда фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам ойликиш ҳақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортиғини ташкил етадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги фавқулодда вазият дейилганда еса, оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет елда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига даҳлдор ҳолат тушунилади. Бундай фалокат оқибатлари ҳар бир мамлакатнинг ички кучлари ва маблағи билан ҳамда ҳамжамият ташкилотлари маблағлари ҳисобига тугатилади.

Фавқулодда вазиятлар тавсифига кўра (келиб чиқиш манбаига кўра):

- Табиий тусдаги ФВ;
- Техноген тусдаги ФВ;
- Экологик тусдаги ФВларга бўлинади.

Табиий тусдаги фавқулодда вазиятларга 3 хил турдаги хавфли ҳодисалар киради:

1) геологик хавфли ҳодисалар: зилзилалар, ер кўчишлари, тоғ ўпирилишлари ва бошқалар

2) гидрометрологик хавфли ҳодисалар: сув тошқинлари, селлар, қор кўчкилари, кучли шамоллар (довуллар), жала ва бошқалар

3) Фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва епифитотик вазиятлар; алоҳида хавфли инфексиялар (ўлат, вабо. сарғайма, иситма) юқумли касалликлар, терлама, Брил касаллиги, зооноз тинфектсиялар- Сибир яраси, қутуриш, вирусли инфексиялар- СПИД;

Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларга қуйидаги турдаги вазиятлар киради:

- Транспортлардаги авария ва ҳалокатлар (кема, самолёт, темир йўл, вокзал,)
- Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар;
- Ёнғин-портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар;
- Энергетика ва коммунал тизимдаги авариялар; (ГЭС, ГРЭС)
- Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушуши билан боғлиқ авариялар;

- Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жиҳатдан зарарли моддалардан фойдаланиш ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар;

- Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар; (сув омборлари, каналлар)

Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ФВлар асосан 3 хил бўлади:

1) Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар (фойдали қазилмаларни қазиб чиқиш чоғида, ҳалокатли кўчкилар)

2) Атмосфера таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар; (ҳаво муҳитининг зарарли газлар билан ифлосланиши)

3) Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар; Ер юзаси ва ости сувларининг саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари.

Ҳар қандай фавқулодда вазиятлар 8 та кўрсаткич бўйича аниқланиди:

1. Фавқулодда вазиятнинг номланиши (ФВ нинг таърифи);

2. ФВнинг моҳияти;

3. ФВнинг сабаблари;

4. ФВнинг шикастловчи омиллари;

5. ФВнинг қалтисликни оширувчи омиллари;

6. ФВнинг олдиндин билиш мумкинлиги (мониторинг, башорат, ЮОҒОҳлантириш, юмшатиш);

7. ФВни бартараф қилиш;

8. Моддий зарарни аниқлаш;

ФВ оқибатининг асосий турлари: ўлим, одамларнинг касалланиши, иншоотларнинг бузилиши, радиоактив ифлосланишлар, кимёвий ва бактериал заҳарланишлар.

ФВнинг зарарли ва хавфли омиллари таъсири остида жойлашган аҳоли, ҳайвонлар, иншоотлар, моддий ресурсларнинг барчаси – «Шикастланиш ўчоғи» дейилади. Оддий (бир турдаги) шикастланиш ўчоғи деб, фақат бир шикастловчи омил таъсирида ҳосил бўладиган ўчоғ тушунилади. Масалан,

портлаш, ёнғин натижасида бузилиш, кимёвий захарланиш кузатилади. Мураккаб (кўп турли) шикастланиш ўчоғи деганда бир неча шикастловчи омиллар таъсирида юзага келиши тушунилади. Масалан, кимё корхонасидаги портлаш, биноларнинг бузилиши, ёнғин, кимёвий захарланиш каби оқибатларга, ер силкиниши, кучли бўрон, сув тошқини, ёғинлар, электр тармоқларини ишдан чиқиши, захарли газларнинг чиқиб кетиши натижасида захарланиш ва бошқа талофатларга олиб келиши мумкин.

Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари – ҳарбий даврда ҳам юзага келадиган хавфлардан аҳолини, ҳудудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради.

Фуқаро муҳофазасининг вазифаси қуйдагилардан иборат:

- Аҳоли ва объектларни ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан ҳимоялаш ҳаракатлари ва усулларига таёрлаш.
- Бошқарув, хабар бериш ва алоқа тизимларини ташкил қилиш, ривожлантириш ва доимий шай ҳолатда сақлаб туриш.
- Халқ хўжалиги объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш юзасидан тадбирлар комплексини ўтказиш.
- Аҳолини, моддий ва маданий бойликларини хавфсиз жойларга эвакуатсия қилиш.
- Фуқаро муҳофазаси ҳарбий тизимлари шайлигини таъминлаш.
- Аҳолини умумий ва шахсий сақловчи воситалари билан таъминлаш тадбирлари ўтказиш.
- Аҳолини ҳарбий даврдаги ҳаёт фаолиятини таъминлаш.
- Радиатсиявий, кимёвий биологик вазият устидан кузатиш ва лаборатория назорати олиб бориш.
- Қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш.

- Ҳарбий давлрларда ҳам зарар кўрган ҳудудларда жамоат тартибини йўлга қўйиш ва сақлаб туриш.
- Аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга ошириш.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли олиб бормай туриб, зарарланган ҳудудларда, объектларда мўтадил ҳаёт фаолиятини яратиб бўлмайди. Бу ишларни давлат органлари орқали, фуқаро муҳофазаси бошчилигида бутун халқ ёрдамида амалга оширилади.

Хавфсизликни таъминлаш принтсипларини уларни қўллаш бўйича уч гуруҳга бўлинади:

1.Олдиндан таёргарлик кўрмоқ ҳимоя воситаларини тўплаш, уларни тайёр ҳолда сақлаш ҳамда аҳолини хавфли зонадан евакуатсия қилиш бўйича тадбирларни тайёрлаш ва амалга ошириш.

2.Дифферентсиялашган йўналиш шундан иборатки, бунда ҳимоя тадбирлари ҳажми ва характери хавфли ва захарли омиллар манбаининг турига ва маҳаллий шароитларга боғлиқ.

3.Тадбирлар комплекси ФВ оқибатларидан ҳимояланиш усуллари ва воситаларидан самарали фойдаланиш, замонавий техносотсиал муҳитда ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирлар билан бирга олиб боришни тақоза қилади.

ФВ ларда аҳолини ҳимоя қилишнинг асосий усуллари, аҳолини евакуатсия қилиш, ҳимоя иншоотларига беркитиш, шахсий ҳимоя ҳамда тиббий профилактик воситаларни қўллашдан иборатдар.

Сиёсий-ҳарбий низоларни айниқса замонавий қурол-яроғлар билан ҳал қилишда қирғиндан сақлаб қолиш учун энг самарали усуллардан бири аҳолини ҳимоя иншоотларига беркитишдир.Айниқса, радиоактив ва кимёвий моддалардан сақланиш самараси юқоридир.

Ҳимоя иншоотлари-булар физик, кимёвий ва биологик хавфли ва зарарли омиллардан ҳимоялаш мақсадида махсус қурилган муҳандислик иншоотларидир.

Шахсий ҳимоя воситалари-одам организмнинг ички аъзоларига, терисига ва кийимига радиоактив, захарловчи ва бактериал воситаларнинг таъсиридан сақлайди.

Фавқулодда вазиятларда ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлаш одам фаолиятининг барча жараёнларида соғлигини ва ҳаётини сақлашга қаратилган ташкилий, муҳандис-техник тадбирлар ва воситалар комплекси.

Ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлашга қаратилган асосий йўналишлар қуйдагилардан иборат:

- ФВ ларни ва уларнинг оқибатини олдиндан айтиш;
- ФВ пайдо бўлиши еҳтимолини йўқотиш ёки камайтириш тадбирларини режалаштириш, ҳамда улар оқибатлари кўламини камайтириш;
- ФВ ларда халқ хўжалиги объектлари ишининг мунтазамлигини, узлуксизлигини таъминлаш;
- ФВ лардаги аҳолини ўқитиш;
- ФВ оқибатларини тугатиш.

Ҳозирги вақтда сейсмик раёнлар, тупроқ силжиши мумкин бўлган, сел оқимлари йўналишлари, плотиналар бузилганда, сув тошқини бўлганда, одамларга ва ҳудудга зарар келтириши мумкин бўлган зоналар чегаралари аниқланган.

ҲФХ бўйича прогноз қилиш масалаларига ФВ ларнинг содир бўлиш вақтини тахминий аниқлаш ҳам киради. Бу прогноз бўйича аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича оператив чоралар кўрилади. Ҳозирги вақтда кўпгина олим ва мутахассисларнинг фикри ФВ ларнинг бошланиши ва ривожланиши олдиндан айтиб беришга қаратилган.

Кўрилаётган муаммони ушбу шароитда ҳал қилишда ФВ ларга одамнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича хавфнинг олдини олиш ва пайдо бўлиш еҳтимолини камайтириш, ҳамда унинг оқибатлари масшабини камайтириш масалаларини қамраб оладиган системали ёндошиш керак.

Ушбу методологик асосда ўзимизнинг ва чет ел амалий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда самарадрлиги табора ортиб боровчи тадбирлар комплекси олдиндан таёрлаш, бошқача қилиб айтганда замонавий техносоцсиал муҳитда одамнинг ҲФХ ни таъминлашнинг кўп табақали системасини жорий қилиш керак.

4.3. Ҳозирги кунда экологик муҳитнинг бузилиши

Бугунги кунда жаҳондаги глобал муаммолар қаторига киритилган муаммолардан бири - экологик муҳитнинг бузилишидир. Экологик муҳит бузилишининг асосини инсоннинг табиатни ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилганлиги ва ўз эҳтиёжларини қондириш йўлида табиат ва унинг компонентларига кўрсатилган нотўғри ҳаракат ташкил этади.

Ҳозирги вақтда Марказий Осиёда ва бутун жаҳонда глобал муаммо - Орол фожиасидир. Унинг Оролбўйи аҳолисига салбий таъсири ва турли хил касалликларни келтириб чиқараётганлиги нафақат бизнинг республикамиз аҳолисига, балки бошқа қўшни давлатлардаги аҳолининг соғлиғига ҳам салбий таъсир этиб, турли хил йўқотишларга сабаб бўлиб келмоқда.

Юқорида санаб ўтилган экология мувозанатининг бузилиши, табиий фалокатлар таъсири ва бунга яна қўшимча равишда саноат корхоналари бўладиган бахтсиз ҳодисалар ва касб калалликларини ҳисобга олиб қарасак инсон ҳаёти фаолияти деярли хавф-хатарлардан иборат эканлиги маълум бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиши мумкин бўлган табиий офатларнинг яна бири селлардир. Бутун Республика ҳудудида тарқаладиган ҳодиса бўлмасда тоғли ва тоғолди туманларда одамларни анча кўп безовта қиладиган ҳодиса ҳисобланади.

Фалокат тўсатдан бўладиган ҳодиса бўлганлиги сабабли кўплаб одамларининг ҳалокатга одамларинг ҳалокатга олиб келиши,

вайронагарчиликларга сабабчи бўлиши ва кўплаб моддий зарар етказиши мумкин.

Авария ҳам тўсатдан бўладиган ҳодиса бўлганлигидан биноларнинг бузилиши машина механизмларининг ағдалириши, синиши каби инсон фаолиятига путур етказувчи омил сифатида қаралди.

Келтирилган далилларни ҳисобга олсак инсон ҳаёти ҳар қадамда ва ҳар сонияда бўлиши мумкин бўлган хавф-хатар таъсири остида турибди. Бунинг натижасида келиб чиқаётган муаммолар ҳақида омма онгига сингдириш асосий масалалар сифатида майдонга чиқмоқда. Бу вазифаларни бажариш, албатта ҳар бир инсоннинг асосий бурчлари бўлиб қолиши керак.

Албатта ривожланиши даврида меҳнатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва фавқулотда ҳодисалардан муҳофазаланиш, шунингдек амалий тиббиёт, биология соҳасида эришилган илмий ютуқлардан тўла фойдаланилади, қонун ва қоидаларга асосланади.

ХУЛОСА

Тижорат банклари кучли, ишончли ва юқори самарадорликка эга бўлган платформалар асосида ахборот технологиялари ютуқларини банк фаолиятига дадиллик билан тадбиқ қилиб, улар асосида мукаммал дастурлар яратиб, ахборот тизимлари инфраструктураси ривожланмоқда. Бу ўз навбатида, мамлакатимиз банклари ўртасида соғлом рақобат муҳитини кучайтириш, анъанавий банк хизматлари сифатини ошириш, янги банк хизматларини жорий этишга йўналтирилган ишларни муттасил давом эттиришга даъват этмоқда.

Масофавий банк хизматлари кўрсатишни банкомат ва инфокиоскларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Фойдаланиши содда бўлган ушбу ускуналар бугунги кунда миждоз ва кассир ўртасидаги анъанавий муомалага чек қўйиб, ўзига хос минибанк-офис вазифасини ўтамоқда. Ҳозирги пайтда банкоматлардан нафақат нақд пул ечиб олиш, балки улар орқали товар ва хизматлар бўйича турли тўловларни амалга ошириш имконияти яратилган.

Шуни қайд этиш ўринлики, миждозлар исталган банк банкомат ва инфокиоскларидан фойдаланиши мумкин.

Нақд пулсиз тўловлар ҳажмининг ўсиш динамикаси биринчи навбатда, товар ва хизматлар учун тўловларнинг банкоматлар орқали амалга оширилиши, банк пластик карталари воситасида кўрсатилаётган хизматлар кўлами ва инфраструктурасининг кенгайиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Тўловларни нақд пулсиз амалга оширишнинг инновацион шаклларига бўлган эҳтиёж муттасил ортиб бормоқда. Тадбиркорлик субъектлари тежамли, кам вақт ва ҳаракат сарфлаган, юқори ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда молиявий операцияларни амалга ошириш, маълумот олишга кўпроқ иштиёқ билдирмоқда. Мана шу эҳтиёжни инобатга олиб, тижорат банклари масофавий банк хизматлари кўрсатиш кўламини кенгайтиришга, бунда глобал Internet тармоғи имкониятларидан самарали

фойдаланиш чораларини кўриб бормоқдалар. Айтиб ўтиш ўринлики, айтиб ўналиш жаҳон банк тизими ва унинг ажралмас таркибий қисми бўлган миллий банк тизимининг устувор йўналишиларида бирига айланди.

Айни пайтда барча тижорат банклари Интернет тармоғида ўзларининг web-сайтларини очиб, улар банк фаолияти, янги хизмат турлари ва шартлари ва мижозлар манфаатига тегишли маълумотлар билан мунтазам бойитиб борилмоқда. Марказий банк веб-сайти орқали эса давлат интерактив хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, муҳтарам Президентимизнинг 2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилнинг 17 январдаги йиғилишида берган топшириқларини ижросини таъминлаш юзасидан республикада электрон тижоратни янада ривожлантириш ва рағбатлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Битирув малакавий иш натижалари асосида миллий тўлов тизимида ахборот технологияларни ривожлантириш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган товарлар ва маҳаллий бозорларда сотилаётган бошқа маҳсулотларнинг тўлов терминаллари ўрнатилган савдо дўконларида мавжуд бўлишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни кўриш;

- аҳолига хизмат кўрсатадиган барча турдаги транспорт воситаларида (метро, маҳаллий транспорт, шаҳарлараро, вилоятлараро маршрут, такси ва бошқалар) йўлқира ҳақларини банк пластик карталари ёки махсус электрон транспорт карталари орқали тўлашни жорий қилиш;

- чакана савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига ўрнатилган тўлов терминалларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида аҳоли томонидан «Ишонч телефонлари»дан кенг фойдаланишни тарғиб қилиш;

- банк карталари орқали банклараро амалга оширилган тўловларни белгиланган вақтда тегишли банк ҳисобварақларида акс этирилишини Ягона умумреспублика процессинг маркази ва тижорат банклари томонидан узлуксиз таъминлаш;

- банк карталари орқали тўловларни амалга оширишни янада ривожлантириш ҳамда тизим инфраструктурасини кенгайтириш мақсадида 2016-2018 йиллар давомида муомалага қўшимча равишда банк пластик карталарини чиқариш ҳамда тўлов терминаллари, банкомат ва инфокиосklar ўрнатиш;

- 2016-2018 йиллар давомида банк пластик карталари орқали электрон тижорат тўловларини амалга ошириш учун электрон тижорат билан шуғулланувчи ташкилотларни зарурият бўйича терминаллар билан таъминлаш.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, ахборот технологиялари ва коммуникацион тизимлари (банк-мижоз, интернет-банкнинг, мобиль-банкнинг, sms-банкнинг ва бошқалар)ни республика миқасида доимий кенгайтириб бориш бўйича ишлар барча банклар томонидан тизимли амалга оширилиши миллий банк тизимининг ривожланиш тенденцияларидан гувоҳлик беради ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётида бозор механизмларининг мустаҳкамланишига кенг шарт-шароит яратиши шубҳасиздир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонун. 1995.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун. 1996.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия тўғрисида»ги қонун. 1996.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Алоқа тўғрисида”ги Қонуни. 1993 й
6. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонун. 2003.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун. 2003.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон хужжат айланиши тўғрисидаги»ги қонун. 2004.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонун. 2005.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги ПҚ-433-сонли «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлар. Т. Ўзбекистон. 2011-й
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралдаги ПҚ-1487-сон “2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари

негизида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатишни сифат жиҳатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сон Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш концепцияси. 2015 йил.

16. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция вамолиявий барқарорлик тўғрисида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005.

Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. - Тошкент: Ўзбекистон. 2007.

17. Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон. 2009.

18. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: Ўзбекистон. 2011.

19. И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2013.

20. Каримов И.А. 2014-йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йули бўлади. –Тошкент: Ўзбекистон. 2014.

21. Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизнинг 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим

устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2016 йил.

22. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. -Т.: «Молия» 2000 йил.

23. Абдуллаев Ё. Каралиев Т. Банк иши. – Т: “Иқтисод - Молия”. 2010-й

24. Абдуллаева Ш.З., Наврўзова К.Н. «Банкларда бухгалтерия ҳисоби асослари» Ўқув қўлланма. -Т.: «ТМИ» 2001 йил.

25. Алимов Р.Х., Хайитматов Ў.Т. Ахборот тизимлари. Т. 2013-й

26. Арипов А.Н., Иминов Т.К. Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари. Т.: “Fanvatechnologiya”. 2005.

27. Арипов А.Н., Махмудов М.М. Ценовая политика и методология формирования тарифов на услуги телекоммуникаций. – Журн. “Экономический вестник Узбекистана”, №6. 2003.

28. Арипов А.Н., Мирзахидов Х.М. Совершенствование организации системы управления маркетингом услуг телекоммуникаций. Ж. “Экономический вестник Узбекистана”, 2003, № 8-9.

Банковское дело: Управление и технология: Учеб. Пос. Для ВУЗов под ред. Проф. А.Н.Товашева, М.: «Юнити Дана» 2001.

29. Банки и банковское дело / под ред. И.Т.Балабанова -С-Пб.: «Питер» 2001.

30.Братко А.Г. Банковское право: теория и практика -М.: «ПРИОР» 2000.

31.Жумаев Н., Бурханов У. Молиянинг долзарб муаммолари- Т: Ўзбекистон. 2003

32. Иминов О.К. «Кредитный механизм современных условиях» монография. -Т.: «ТГЭУ» 2000.

33. Козлова Е.П., Бабченко Т.Н. «Сборник корреспонденций счетов бухгалтерский учета по новому плану счетов». -М.: «Бух учет» 2001.

34.Лаврушин О.И. Банковское дело. Экспресс – курс. –М.:Кнорс. 2012й.

35. Муҳиддинов Ҳ.А., Иминов О.К. Телекоммуникация хизматлари

бозори ривожланишининг молиявий асослари. Т. 2005.

36.К.Наврузова, О.Ортиқов. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Т. Иқтисод-молия. 2014–й

37. Шеремет А.Д. «Финансовый анализ в коммерческом банке». -М.: «Финансы и статистика» 2000.

38.Центральный банк России. Анализ и статистика. Выпуск №20. 2010 г.

39.Ўзбекистон банк тизими – изчил ислохотларнинг пойдевори. Бозор, пул ва кредит // 1/2016 й

Интернет сайтлари

41. www.lex.uz
42. www.cbu.uz
43. www.gov.uz
44. www.google.uz
45. www.norma.uz
46. www.ccitt.uz
47. www.bankinfo.uz
48. www.unicon.com
49. www.uzinfocom.com
50. www.ziyonet.uz
51. http://cbu.uz/uzc/section/payment_system/publications1
52. <http://cbu.uz/uzc/node/47014>
53. http://eos.ibi.spb.ru/umk/5_12_11/5/5_R1_T4.html
54. <http://www.creditcards.com/credit-card-news/credit-card-market-share-1264.php>